

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ЛИЗИНГ МДХ МАМЛАКАТЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ СИФАТИДА
(РОССИЯ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА)

Бажарди: Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (МДХ мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши 4 курс талабаси Алимов Абдуллоҳ Аҳмаджон ўғли_____

Илмий раҳбар: “МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н. Эргашев Дилмурод Рахматуллаевич_____

Илмий маслаҳатчи: “Математика ва информатика” кафедраси доценти, ф.м.ф.н. Қодирқулов Б.Ж._____

ТОШКЕНТ – 2013

Битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилди

Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети декани, и.ф.н., доц. Хусанов Ч.

“ _____ ” _____ 2013йил

“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги” кафедраси мудири, и.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж.

“ _____ ” _____ 2013йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I БОБ. ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАСИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
--	----------

1.1. Иқтисодиётда лизинг, унинг пайдо бўлиши, иқтисодий моҳияти ва ривожланиш босқичлари.....	8
--	---

1.2. Лизинг муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари ва таҳлили..	23
---	----

1.3. Лизинг турлари ва уларнинг тавсифи.....	34
--	----

II БОБ. РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	44
--	-----------

2.1. Россия иқтисодиётида лизинг операциялари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари.....	44
--	----

2.2. Ўзбекистонда лизингни ривожланиш босқичлари ва Россиянинг инвестицияларни молиялаштиришда лизинг тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари.....	55
--	----

ХУЛОСА.....	72
--------------------	-----------

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	75
--	-----------

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида самарали хизмат турлари шаклланиб ривожланиб бормоқда. Миллий иқтисодиётларнинг ривожига жалб қилинаётган инвестицияларни молиялаштиришда ва шунингдек, тадбиркорларга хизмат кўрсатишда лизинг муҳим ҳамият касб этади. Лизинг молиявий тежаш асосида машина ва ускуналарни қисқа муддат ичида янгилашга ёрдам беради. Айниқса, молиявий ресурсларга эга бўлмаган ишбилармон тадбиркорларга лизинг жуда ҳам қўл келади.

Лизинг халқ хўжалигига чет эл сармояси ва энг замонавий технологиялар ҳамда асбоб-ускуналар келишига ҳам имконият яратади. Ушбу истиқболли соҳани ривожлантириш мақсадида, давлатимиз томонидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда ва турли имтиёзлар яратилмоқда.

Лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш миллий иқтисодиётимизда мулкдорлар сонининг кўпайиши, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, экспорт салоҳиятининг ошиши, янги ишчи ўринларининг ташкил этилиши орқали бандлик муаммосининг сезиларли тарзда ўзининг ижобий ечимини топиши, солиқ субъектлари сонининг кўпайиши орқали давлат бюджетига солиқ тушумларининг ортиши ҳамда пировард натижада аҳоли турмуш даражасининг юксалишига эришиш имконини беради.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб республикамизда лизинг фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Президентимиз И.А.Каримов лизингнинг республика иқтисодиёти учун долзарб аҳамияти тўғрисида тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён қилган: “Маълумки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Шу билан бирга, нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали аудиторлик, лизинг компаниялари ва бозор инфратузилмаси бошқа хизматларининг молия бозорида етакчи мавқега эга бўлиши учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим”¹.

Шу сабабли ҳам, мамлакатимизда лизинг компанияларини фаолитини ривожлантириш, лизинг олувчилар учун рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, энг муҳими, лизинг компаниялари фаолиятида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг усулларида фойдаланишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ҳозирги кунда муҳим долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лизинг операциялари ва унинг турлари, иқтисодиётдаги моҳияти, ривожланиш босқичлари ҳамда инвестицияларни молиялаштиришда лизинг операцияларининг самарали фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилишда ўзининг муҳим ҳиссаларини қўшган бир қатор хорижлик олимлар қаторига И.Бернар ва Ж.Колли², С.С.Куминг³, Ф.Дефлиз, Э.Лоренс кабиларни ва яқин хориж давлатлари иқтисодчи-олимларидан А.Иванов,⁴ А.Мурычев⁵, В.Кашкин⁶, В.Г.Шibaков⁷, П.Н.Пискун⁸, С.А.Громов⁹, А.В.Егоров¹⁰, В.Д.Газман¹¹ ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

¹ И.А.Каримов. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”// Т.: “Солиқ ва божхона хабарлари” молиявий-иқтисодий газетаси, №7 (707) – сон, 2008 йил 15 февраль.

² Бернар И., Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт. - Т.1: Пер. с фр. - М.: Международные отношения, 1994. С. 507

³ Cumming R. C. C. Model Rules for Lease Financing: A Possible Complement to the UNIDROIT Convention on International Financial Leasing // Uniform Law Review.1998.Vol. 3.

⁴ Иванов А. А. Договор финансовой аренды (лизинга): Учебно-практ. пособие. М.: Проспект, 2001.

⁵ Мурычев А.В. О развитии банковского кредитования лизинговых операций. // Деньги и кредит. - Москва, 2008. - №6.

⁶ Кашкин В.В. О рынке лизинга в условиях кризиса // Деньги и кредит. М.:, 2009.-№8.

⁷ Шibaков В.Г. Оценка и формирование профиля рисков деятельности лизинговой компании. // Управление риском. -Москва, 2008. -№2. - С. 17-27.

⁸ Пискун П.Н. Международный лизинг в России - проблемы и перспективы. // Банковское дело. - Москва, 2008. - №6. - С.51-54.

⁹ Громов С. А. Определение финансового результата лизинговой операции при досрочном расторжении договора лизинга // Вестник ВАС РФ. 2011. № 3.

¹⁰ Егоров А. В. Лизинг: аренда или финансирование? // Вестник ВАС РФ. 2012. № 3.

Ушбу муаммоларнинг айрим жихатларини республикамиздаги бир катор иқтисодчи олимлар хусусан, А.В.Вахабов¹², Д.Ғ.Ғозибеков¹³, С.С.Исмаилова¹⁴, О.Ш.Сабилов¹⁵, И.Зарипов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бироқ, бизнинг мазкур тадқиқотимиз ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида инвестицияларни молиялаштиришда лизингдан самарали фойдаланишнинг Россия Федерация мисолида таҳлил қилишга эътибор қаратилган.

Тадқиқот ишининг мақсади - жаҳон иқтисодиётида лизинг фаолияти ва Россия Федерацияси иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг операцияларидан самарали фойдаланишни таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Юқорида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги вазифалар ҳал этилган:

- иқтисодиётда лизинг, унинг пайдо бўлиши, иқтисодий моҳияти ва ривожланиш босқичлари ўрганиш;
- республикамизда лизинг муносабатларининг ҳозирги ҳолати таҳлили ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- лизинг муносабатларини тартибга солиш хусусиятларини таҳлил қилиш;
- лизинг турлари ва уларнинг тавсифини аниқлаш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг хизматидан фойдаланишни таҳлил қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти – жаҳон иқтисодиётида лизинг фаолияти,

¹¹ Газман В. Д. Лизинг и факторинг: Учебное пособие. М.: ГУ ВШЭ, 2008.

¹² Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. //Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк - молия тизимининг ўрни.мавзусидаги Халқаро илмий - амалий конференция материаллари. – Т.: Молия, 2009. - Б. 22.

¹³ Ғозибеков Д.Ғ, Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М, Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Тошкент.: «Fan va texnologiya», 2004. - Б. 43.

¹⁴ Исмаилова С.С. Ўзбекистон агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм.дар.олиш учун диссертация. - Тошкент: БМА, 2009. - Б. 102 - 103.

¹⁵ Сабилов О.Ш. Современное состояние лизинговых отношений в Республике Узбекистан и основные направления их дальнейшего совершенствования. Дисс.на соиск. уч. ст.к.э.н - Ташкент; БФА, 2001. - С. 127.

лизинг кредитлари, лизинг шартномалари, лизингга бериладиган мулклар ва бошқалар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг предмети лизинг тушунчаси, лизинг асосида инвестицияларни молиялаштиришнинг Россия ва жаҳон мамлакатларининг тажрибаси ҳамда Россия ва Ўзбекистон Республикасида лизинг фаолиятини такомиллаштириш ва уни ривожлантиришдаги олиб борилаётган чора-тадбирлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топган:

- Россия иқтисодиётида лизинг операцияларининг афзалликлари ва камчиликлари гуруҳлаштирилган;

- лизинг фаолиятини ривожлантириш ва Россиянинг инвестицияларни молиялаштиришда лизинг тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқотдан ишлаб чиқилган назарий, илмий ва амалий таклиф-тавсиялардан мамлакатимиз иқтисодиётида лизинг масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида «Молия», «Лизинг операциялари», “Ўзбекистон иқтисодиёти” каби фанларидан маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотни тайёлашда маълумотлар манбаси. Ушбу мавзунинг таҳлил қилишда ва уни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 21 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, республика ҳукумати томонидан лизинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида тадбиқ қилинган қарорлари ва чора-тадбирлари ҳамда республикаимиз иқтисодчи олимларининг лизингга оид илмий-тадқиқот ишларидан фойдаланилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг

асарлари, хорижда ва мамлакатимизда чоп этилган лизингга оид адабиётлар, Россия Федерациясининг миллий иқтисодиётида лизинг фаолиятига боғлиқ маълумотларни интернет тармоғидаги мавжуд сайтлардан ҳамда республикамизнинг ушбу соҳада мутахассислар ва тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган илмий таҳлилий ишларидан самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг предмети ва объекти, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Лизинг операцияларининг иқтисодий ислохотларнинг самарасини оширишдаги ўрни ва назарий асослари” деб номланиб, иқтисодиётда лизинг, унинг иқтисодий моҳияти ва ривожланиш босқичлари; лизинг муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари ва таҳлили ҳамда лизинг турлари ва уларнинг тавсифи ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби эса “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг хизматидан фойдаланиш усуллари ва истиқболлари” деб номланиб мазкур бобда Россия иқтисодиётида лизинг операциялари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳамда лизинг фаолиятини ривожлантириш ва Россиянинг инвестицияларни молиялаштиришда лизинг тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари чуқур таҳлил қилинган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг натижалари умумлаштирилган, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулоса ва таклифлар тартиблаштирилган.

I БОБ. ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАСИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиётда лизинг, унинг пайдо бўлиши, иқтисодий моҳияти ва ривожланиш босқичлари

Иқтисодий адабиётларда бир қатор мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан лизинг тоифасига етарлича таъриф берилган. Ривожланган давлатларда лизинг амалиёти оқилона ташкил қилиниб у узок йиллик тажрибага эга. Ҳозирги кунга қадар лизинг тушунчасининг мазмунига берилган турлича таърифлар мавжуддир. Умуман олганда энг биринчи, лизинг моҳиятини акс эттирувчи иқтисодий қарашлар хаттоки Аристотелнинг “Риторика” асарида ҳам келтирилган бўлиб, унда ижара ёрдамида олинадиган иқтисодий самарадорлик тўғрисида фикрлар келтирилган.

Қадимги Римда ҳарбий техникани ижарага олиш ҳуқуқидан келадиган даромадлар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Тарихчиларнинг маълумотига кўра, лизинг келишувлари ҳақида биринчи бор 1066 йиллардаги тарихий асарларда маълумотлар келтирилган. Унга кўра, Вильгельм Британия ороллари эгаллаш учун Нормандияликлардан кемаларни лизингга олганлар.

Авало, “лизинг” сўзининг маъносига эътибор қаратишни лозим топдик. “Лизинг” атамаси инглизча “to lease” сўзидан олинган бўлиб, “ижарага олиш” деган маънони билдиради.

Хўш, лизинг ўзи нима? Лизингга таъриф 1999 йилнинг 14 апрелидаги 756-І сонли Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида қуйидагича берилган:

“Лизинг - молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига

биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради».¹⁶

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида лизингга қуйидагича таъриф берилган: «Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса, бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади»¹⁷.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида 70-йилларнинг ўрталарида ва 80-йилларнинг бошларига келиб иқтисодиётнинг турли тармоқларида лизинг операцияларининг жадал ривожланиши ҳисобига унинг тузилмасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу мамлакатларда лизинг қисқа вақт ичида иқтисодий фаолиятнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Ўз хизматларини таклиф этаётган янгидан янги компаниялар пайдо бўла бошлади, лизинг шартномалари шартларидаги ўзгаришлар туфайли эса инвестиция воситаларини сотиб олишнинг ғоятда турли-туман вариантлари вужудга келди. Лизингнинг юксак иқтисодий самарадорлиги ва инвестиция воситаси сифатида ғоятда шароитларга мослашувчанлиги иқтисодиётда кенг оммалашишига имкон берди.

Лизингнинг бу даражада кенг ёйилиши ва унинг бозор иқтисодиёти тузилмасидаги ўрнини изоҳлаш учун (бунинг ўз объектив сабаблари бор) қуйидаги асосий шарт-шароитларни таъкидлаб ўтиш лозим: лизинг - молиялаштиришнинг ғоятда қадимий шакли бўлиб, ўз тараққиёти давомида бир неча босқичларни босиб ўтган ва шу йўл билан ўзининг аҳамиятини,

¹⁶ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999, N 5, ст. 108

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Тошкент.: Адолат, 2003. - Б. 477.

хўжалик юритишнинг турли бозор тизимларига мослаша олишини исботлаган.

Бизнинг фикримизча, лизинг бизнесининг асосий босқичлари ва уларнинг иқтисодий шарт-шароитларини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Лизинг хизматларининг эволюция босқичлари

Эволюция босқичлари	Характерли хусусиятлари
I босқич 1877-1952 йиллар	• 1877 йил. Лизинг тизимининг пайдо бўлиши («Белл» телефон компанияси). • 1952 йил. Дастлабки мустақил «Юнайтед Стейс Лизинг Корпорейшн» лизинг компаниясининг ташкил қилиниши. • Ушбу босқич кўп жиҳатдан лизингнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши учун ташкилий асос бўлди.
II босқич 1952-1974 йиллар	• Лизинг инфратузилмасининг шаклланиши. • Солиқ имтиёзларининг кучга кириши ва тезкор амортизация усулининг қўлланиши. • Фан-техника тараққиёти таъсирида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш юз берди. • Ассортиментнинг кенгайиши ва маҳсулотларнинг табақалашуви • Кичик ва ўрта фирмаларнинг ривожланиши
III босқич 1974 йилдан ҳозирги даврга қадар	• АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида инқирозлар тўлқини. • Янги технологияларнинг пайдо бўлиши. • Маҳсулотни сотиш муаммоларининг кескинлашганлиги туфайли лизингнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. • Лизинг ёрдамида молиялаштириш самарадорлигининг эътироф қилиниши.

I босқич 1877-1950 йилларни ўз ичига олади. Айнан шу даврда, австриялик тадқиқотчи В.Хойернинг фикрича, «лизинг» атамаси ҳозирги маънода муомалага кирди. 1877 йилда АҚШда товарларни фақат ижарага беришга асосланган шартномалар тизими - «лизинг» вужудга келди, «Белл» телефон компанияси телефон аппаратларини сотиш эмас, балки уларни ижарага беришга қарор қилди. В.Д.Газман таъкидлаб кўрсатганидек, бу қадар оддий операция фақат алоқанинг ривожланишига кучли таъсир этди, дейиш нотўғри бўлур эди. Ўзига хос молиявий хизматлар кўрсатишдан келадиган фойда янги техника ишлаб чиқарувчиларида катта қизиқиш уйғотди, улар

асбоб-ускуналарни ижарага беришга юқори баҳо бердилар, чунки бу, уларни оддий сотишдан фарқли равишда, «ноу-хау» дан фойдаланишга бўлган монополь ҳуқуқини ҳимоялашга имкон берар эди.

Биринчи мустақил лизинг компанияси бўлган «Юнайтед Стейтс Лизинг Корпорейшн» 1952 йилда Сан-Франциско шаҳрида рўйхатдан ўтказилди. Тезда ушбу воқеанинг давомчилари жуда кўпайиб кетди ва ижара муносабатларида ҳақиқий инқилоб тўлқинига сабаб бўлди. Бу ерда шуни ҳам қайд этиш зарурки, мазкур босқич кейинги даврларда кўп жиҳатдан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатувчи лизинг корхоналарининг ривожланиши ва фаолияти учун ташкилий асос бўлди.

II босқич 1950-74 йилларни ўз ичига олади. Бу давр лизинг инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ. Лизинг тадбиркорлиги динамикасининг асосий йўналиши унинг капитал қўйилмаларни молиялаштириш воситаси сифатида қўлланилишида намоён бўлди. Жаҳон бозор иқтисодиётида бу жараён қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади. Жумладан, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида урушдан кейинги иқтисодий вазият билан боғлиқ бўлган: ликвид маблағлар ҳажмининг етарли эмаслиги; рақобатнинг кескинлашуви; корхоналар фойдасининг камайиши; иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадларида давлатнинг инвестиция сиёсатни тартибга солишга катта эътибор қаратиши.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, инвестиция сиёсатига таъсир кўрсатишнинг асосий иқтисодий воситаси солиқ ва амортизация имтиёзлари бўлди. Солиқ имтиёзларининг таъсири, объектнинг хизмат муддати базаси эътиборга олинмай, ҳисобланадиган тезкор амортизация усулининг қўлланилиши лизингда иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб чиқди. Бунинг диққатга сазовор жойи шуки, ушбу фойда лизинг битимининг барча иштирокчилари учун баравар фойдали эди.

Лизинг берувчи солиқ имтиёзларига эга бўлар, ваҳоланки, агар у айнан шу асбоб-ускунани сотиб олганда, унга бундай имтиёз берилмас эди. Ўз навбатида, бундан лизинг олувчи ҳам ютар эди, чунки солиқ имтиёзларини

ҳисобга олганда лизинг берувчи ставкаларини камайитириши мумкин эди, ушбу ставкалар эса банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси фоизларидан 1,5-2 барабар кам бўлиши мумкин эди. Бундан ташқари, лизинг берувчи асбоб-ускуналар бўйича 10 фоизлик имтиёз олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритар эди, лизинг тўловлари суммаси эса фойдаланувчининг солиққа тортиладиган умумий даромадидан чегириб ташланар эди.

Шундай қилиб, солиқ ва амортизация қонунлари лизингни ривожлантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга сабаб бўлди. Имтиёзлар қанчалик кўп берилса, ушбу мамлакатларда, лизинг шу қадар тез ривожланди.

II босқичнинг охирига келиб, лизинг соҳасидаги тадбиркорлик динамикасининг асосий йўналиши янгиланиш ва янада ривожланиш сари ўзгарди. Бунда фан-техника тараққиёти катта роль ўйнади. Фан-техника тараққиёти таъсирида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш бошланди, бу эса ишлаб чиқаришга, айниқса электрон-ҳисоблаш техникаларни ишлаб чиқариш соҳасига капитал қўйилмаларнинг ўсишига олиб келди ва техника транспорт воситалари билан бир қаторда лизингнинг биринчи объектларидан бирига айланди.

Шубҳасиз, бу ғоятда қимматбаҳо бўлган асбоб-ускуналардан фойдаланиш айнан лизинг операцияларининг кенг тарқалиши туфайли мумкин бўлди. Лизинг олувчи ушбу техникадан вақтинча фойдаланиш йўли билан ўз ишлаб чиқариш муаммоларини тез ҳал қилиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, лизинг туфайли алоҳида техниканигина эмас, балки жамланган технологиялардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлди. Айни пайтда энг илғор технологияларни қўлга киритиш, уни ўзлаштириш ва юксак техник савияда сақлаш учун ҳам шароитлар яратилди. Ассортиментнинг бир неча марта кенгайиши ва маҳсулотнинг табақалашуви, кичик ва ўрта фирмаларнинг кўплиги лизинг корхоналарининг самарали фаолият кўрсатишига имконият яратди.

Ички ва ташқи бозорларда рақобат кучайиб бораётган шароитларда техникани истеъмолчиларга қандай молиявий шартлар билан таклиф қилинишига катта аҳамият берила бошланди. Саноат ва савдо компанияларининг мунтазам ўзгариб турувчи талабини эндиликда фақатгина кредит муассасаларининг классик операциялари ҳисобига тўлиқ қондириш мумкин бўлмай қолди. Хўжалик юритиш манбаларидаги устивор йўналишлар лизинг фойдасига ўзгара бошлади. Юқорида тавсифлаб ўтилган омиллар ва уларнинг таъсири лизингнинг аҳамиятини кучайтириб юборди.

Лизинг тадбиркорлигининг ривожланишидаги III босқич 1973-74 йиллардаги иқтисодий инкироз даврида бошланиб, бу даврда, 1980-82 йиллардаги ҳам монополияларнинг лизинг бизнеси билан муносабатларини қайта кўриб чиқиш жараёни жадаллашди ва лизинг ривожланиши фаолият соҳасининг кенгайиши билан боғлиқ бўлди.

Инкироз шароитларида зарур ресурслардан самарали фойдаланиш, истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва янги сотув бозорларини эгаллаш мақсадларида лизинг моддий-техника таъминотнинг, нафақат жорий, балки кўшимча фойда олиш билан боғлиқ узоқ муддатли вазифаларни ҳам ҳал қилишнинг асосий манбаига айланди. Бу даврда молиявий қийинчиликка дучор бўлган кичик фирмалар билан бир қаторда улкан ресурсларга эга бўлган йирик компаниялар ҳам лизинг хизматларига мурожаат қилди. Йирик компанияларнинг лизингга бундай эътибор беришларига асосий сабаби уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги сотув бозорларида мустаҳкам ўрнашиб олишга интилиши эди.

Бу босқичда банклар ҳам аста-секин бундай операцияларга қўшила бошладилар. Улар лизинг компанияларига кредитлар ажрата бошладилар. Мавжуд маълумотларга қараганда, 70-йилларда дунёнинг кўпгина етакчи банклари лизинг бўйича махсус бўлимлар ёки лизинг компанияларини ташкил қилдилар. Масалан, «Сити бэнк» ўзининг лизинг компанияси ва бу компаниянинг шуъба филиаллари орқали «Интернэшнл Хорвестр»

корпорациясининг ўта қудратли трактор техникасини лизингга бериш билан шуғулланди.

Юқорида қайд этилганидек, ушбу босқичнинг ўзига хос жиҳати иккита йирик иқтисодий инқироз рўй берган, ишбилармонлик фаолияти пасайган, талаб торайган, фойда меъёри камайган шароитларда йирик корпорациялар айнан лизингга мурожаат қилдилар. Бу эса, айтиш пайтда, лизинг корхоналарининг фаолият тактикасини белгилаб берди, яъни улар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ижарага бериш ҳажмларини кўпайтириш имконияти пайдо бўлди.

Ўтган асрнинг 80-йилларнинг бошида, ғарб иқтисодчиларининг маълумотларига кўра, дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида лизинг компаниялари ташкил қилинган бўлиб, улар чет эллардаги 150 та филиаллари орқали ривожланаётган мамлакатларда операцияларни амалга ошириш билан шуғулланган. Корхоналар сонининг бундай ортиши лизинг тадбиркорлиги ривожланишидаги энг муҳим ўзгаришни ёрқин ифодалайди. Айтиб ўтилган фикрларни умумлаштириб, лизингнинг ривожланишига ва унинг иқтисодиётдаги ўрнига энг катта таъсир кўрсатган қуйидаги бир қатор асосий омилларни санаб ўтиш мумкин:

- солиқ-амортизация имтиёзлари;
- фан-техника тараққиёти;
- лизинг ёрдамида молиялаштириш самарали эканлигининг тан олиниши;
- лизингнинг сотув функцияси;
- лизинг билан боғлиқ хизматлар тўпламининг кенглиги.

Биз лизинг соҳасидаги тадбиркорлик босқичларини кўриб ўтишни бошлаганимизда лизинг компаниялари сонининг кўпайиб бориш тенденцияси мавжудлигини кўрсатиб ўтган эдик. Барча мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, лизинг корхоналарининг фаолият жараёни турлича бўлиб, кўпгина омилларга ва

аввало рақобатбардошликка боғлиқдир. Рақобатбардошликнинг ҳал қилувчи омиллари нарх ва сифатдир.

Одатда, битимнинг «нархи» асосий омил ҳисобланади. Лизинг берувчи учун «нарх» даромаддор коэффиценти, шу жумладан ижара муддати, мулкнинг қолдиқ қиймати, солиқ режими, риск даражаси, бўнак тўловларининг мавжудлиги, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ. Лизинг олувчи учун эса кўпинча лизинг билан боғлиқ харажатлар миқдори, шу жумладан лизинг битимининг фоизи ёки халқаро бозордаги валюта курсларининг ўзгариши нарх кўрсаткичи ҳисобланади.

Қуйидаги 1.1-чизмада лизингнинг ривожланиш босқичларини кўришимиз мумкин.

1.1-расм



Демак, 1.1-чизмага кўра, жаҳон ҳўжалигида дастлабки ижара муносабатлари тош асрида вужудга келган бўлиб, унда мулк қисқа муддатга мулкдорга қайтариш шарти билан ижарага берилган.

Лизинг олувчининг активларини маълум вақт давомида фойдаланиши ва лизинг объектини қайтариб беришга қизиқмаслиги, лизинг объекти

қийматининг тўлиқ тўланиши ва тўлов графигининг тузилиши натижасида молиявий лизинг муносабатлари шаклланди.

Молиявий лизинг эса фаол рақобат мухити шаклланган, шартнома шартларига алоҳида ёндашув, мижоз бизнесининг йуналишини ҳисобга олиб битимлар тузилиши, йирик лизинг компаниялари ва мутахассишлаган лизинг берувчиларнинг пайдо бўлиши, инновацион фаолият сифатида лизингнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан вужудга келди.

Технологияларнинг тез ривож, лизинг объектининг иккиламчи бозорининг пайдо бўлиши, лизинг олувчиларнинг талаблари ва улар молиявий ахволининг ўсиши натижасида операцион лизинг пайдо бўлди. Лизингга инновациялар киритиш натижасида янги маҳсулотлар юзага келмоқда. Буларга, синтетик лизинг, венчур лизинг дастурлари ва лизингнинг бошқа турларини киритишимиз мумкин.

1988 йилда Канада пойтахти Оттава шаҳрида қабул қилинган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенцияда (УНИДРУА) лизингга шундай таъриф берилган: «Лизинг бу шундай битимки, унда бир томон (лизинг берувчи), бошқа томоннинг (лизингга олувчи) топшириғига кўра учинчи томон билан (ишлаб чиқарувчи) товарни етказиб бериш тўғрисидаги битимга келишади, ушбу битим шартлари бўйича лизингга берувчи машиналар, ишлаб чиқариш воситалари ёки бошқа ускуналарни лизингга олувчи шартлари асосида сотиб олади ва лизингга олувчи билан унга ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқини лизинг тўловларини тўлашга алмаштириш асосида беришга асосланган битимга киришади»¹⁸.

Иқтисодчи олимлар И.Бернар ва Ж.Колли лизингни кредитнинг бир тури сифатида эътироф этишиб, улар лизингни кўчар ва кўчмас мулкларни ижарачига сотиш имкониятини берадиган ва уни ижарага олиш

¹⁸ Eckstein W. Zur Unidroit-Konvention ueber das internationale Finanzierung-leasing - FLF, 1992, Heft 2. - P. 56.

шартномасини кўзда тутадиган профессионал кредитнинг бир тури сифатида талқин қилишган¹⁹.

Россиялик таниқли банкир А.В.Муричев ўзининг илмий мақолаларида лизинг операцияларини банклар томонидан кредитлашни ривожлантириш масаласини тадқиқ қилган ҳамда қатор илмий хулосалар ва тавсияларни ишлаб чиққан.

А.Муричевнинг фикрига кўра, лизинг компаниялари фаолиятини молиялаштиришнинг долзарб муаммоларидан бири лизинг компаниялари томонидан банк кредитларига бўлган эҳтиёжни тижорат банклари томонидан қондирилмаётганлиги ҳисобланади. А.Муричев ўз фикрини давом эттирар экан, банкларнинг лизинг компанияларини кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаётганлигининг икки сабабини ажратиб кўрсатади:

- Марказий банк томонидан тижорат банкларига битта мижозни кредитлаш бўйича чекловнинг мавжудлиги;

- банкларда лизинг компаниялари молиявий ҳолатини баҳолашнинг махсус методикасини мавжуд эмаслиги²⁰.

А.Муричевнинг банкларда лизинг компанияларининг тўловга қобиллигини баҳолашнинг махсус методикасини мавжуд эмаслиги тўғрисидаги фикри ўринлидир. Бу эса, лизинг кредитлари rischi даражасини пасайтиришда муҳим ўрин тутаяди.

2008 йилда жаҳон ҳўжалигида юз берган ва ҳозиргача давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий - инқирозининг лизинг операциялари ривожига салбий таъсири масаласи бир қатор таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топди.

Масалан, В.Кашкин ушбу глобал молиявий инқирознинг лизинг операцияларига таъсирини қўйидагича баҳолаган:

¹⁹ Бернар И., Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт. - Т.1: Пер. с фр. - М.: Международные отношения, 1994. - С. 507.

²⁰ Мурычев А.В. О развитии банковского кредитования лизинговых операций. // Деньги и кредит. - Москва, 2008. - №6. - С. 66-67.

- инқироз таъсирида жаҳоннинг 70 фоизга яқин лизинг компанияларининг янги битимлар имзолаши тўхтатилди;

- лизинг объектлари сони камайди;

- лизинг бозорида фоиз ставкаларининг даражасини сезиларли даражада ошиши юз берди (2009 йилда лизинг кредитлари ставкасининг ўртача даражаси 25 фоизни ташкил этди, бу эса, 2008 йил бошига нисбатан 12 фоизга юқори демакдир);

- глобал молиявий инқироз натижасида лизинг битимлари муддатининг қисқариши юз берди. Агар инқирозга қадар лизинг битимларининг ўртача муддати 10 йилни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда бу муддат 3 йилни ташкил қилди²¹.

Жаҳон молиявий иқтисодий-инқироzi Россия лизинг бозорининг ривожланиш суръатларини сезиларли даражада пасайтирди. Таракқий этган мамлакатларда эса, лизинг компаниялари жуда узок йиллик ривожланиш тарихига эга. Ушбу ривожланиш жараёнида улар мустақкам ресурс базасига ва бой тажрибага эга бўлишди. Шу сабабли, уларнинг халқаро лизинг бозорларидаги мавқеи жуда юқоридир.

Россиялик иқтисодчи олим В.Г.Шибаконинг фикрига кўра, лизинг компаниялари фаолиятида рискларнинг даражаларини аниқлаш ва уларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаларини белгилаш зарур²². Натижада, риск даражасини пасайтиришга эришиш мумкин.

Яна бир россиялик иқтисодчи олим П.Пискун лизинг операцияларини амалга ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф қилади:

1. Лизинг объектларини импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини лизинг тўловлари суммасидан чегириб ташлаш лозим.

²¹ Кашкин В.В. О рынке лизинга в условиях кризиса // Деньги и кредит. - Москва, 2009. - №8. - С. 39.

²² Шибакон В.Г. Оценка и формирование профиля рисков деятельности лизинговой компании. // Управление риском. -Москва, 2008. -№2. - С. 17-27.

2. Лизинг объектини экспорт қилишда резидентлар томонидан мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган лизинг объектларига нисбатан ноллик қўшилган қиймат солиғи ставкасини қўллаш зарур²³.

П.Пискун қўшилган қиймат солиғи бўйича ушбу муаммони ҳал қилиш йўлларины таклиф қилган. Бу жуда муҳим, чунки қўшилган қиймат солиғи бож тўловлари даражасини белгилловчи асосий тўлов тури ҳисобланади. Шу сабабли, қўшилган қиймат солиғи бўйича иккиёқлама солиққа тортишнинг сақланиб қолиши лизинг объектлари баҳосининг юқори бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, лизинг объектларининг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов ўзининг илмий изланишларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватлаш ва тижорат банклари томонидан сармоявий кредитлашни такомиллаштириш масалаларининг таҳлилида лизингни моҳиятини тадқиқ қилган.

А.Вахабовнинг фикрига кўра, «кичик бизнес субъектларига қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини ташкил этиш мақсадига банklar томонидан берилган инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан бонификация қилишни жорий қилиш лозим»²⁴.

Кичик бизнес субъектларига банklar ва лизинг компаниялари томонидан берилаётган лизинг кредитларининг фоиз ставкалари юқори даражасида А.Вахабовнинг фикрини амалиётга тадбиқ этиш муҳимдир.

Яна бир маҳаллий олим Д.Ғ.Ғозибеков, лизинг муносабатларига қуйидагича таъриф беради: «Лизинг муносабати ўзида мураккаб бир-бири билан жипс боғлиқ, ўзаро алоқадор ва ўзаро уйғун тадбиркорликнинг

²³ Пискун П.Н. Международный лизинг в России - проблемы и перспективы. // Банковское дело. - Москва, 2008. - №6. - С.51-54.

²⁴ Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. //Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк - молия тизимининг ўрни.мавзусидаги Халқаро илмий - амалий конференция материаллари. - Тошкент, Молия, 2009. - Б. 22.

ривожланиши, кичик ва ўрта бизнес корхоналари вужудга келишига кўмаклашувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради»²⁵.

Д.Ғ.Ғозибеков лизинг ва кредит муносабатлари ўртасида узвий алоқадорликнинг мавжудлигини эътироф этади ва ҳар иккала категориянинг тақсимлаш функциясига эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. «Лизинг алоҳида турдаги мулкӣй ва ҳуқуқӣй муносабатлар мажмуасини вужудга келтирадиган алоҳида кредит ва ижара муносабатлари воситасида капиталнинг пул ва буюм шаклида тақсимланиши соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат. Лизинг миллий иқтисодиёт ва миллатлараро иқтисодиётлар доирасидаги ижара воситасида молиявий ресурсларни макон ва замонда тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги мулкӣй муносабатлар мажмуасидир»²⁶.

Д.Ғозибековнинг кредит ва лизингнинг мустақил иқтисодий категория сифатида тақсимлаш функциясига эга эканлиги илмий - амалий аҳамиятга эга бўлган хулосадир. Чунки, биринчидан, лизингда ҳам, кредитда ҳам объект унинг эгасидан уни вақтинчалик тасарруф этувчи фойдасига қайтариб беришлик, муддатлилик, фоиз тўлашлилик асосида берилади; иккинчидан, лизингда ҳам, кредитда ҳам тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик муаммоси мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, лизинг компанияси ва лизингга берувчи банк томонидан эҳтимолий йўқотишлар захирасини ташкил қилиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан яна бири С.С.Исмаилова ўзининг «Ўзбекистон агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида, лизинг фаолияти ташкилий -иқтисодий механизмига хос бўлган қуйидаги камчиликларнинг мавжудлигини қайд этган:

²⁵ Ғозибеков Д.Ғ, Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М, Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Тошкент.: «Fan va texnologiya», 2004. - Б. 43.

²⁶ Ғозибеков Д.Ғ, Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М, Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Тошкент.: «Fan va texnologiya», 2004. - Б. 47.

- лизинг олувчи томонидан лизинг объектининг камида 40 фоизлик қийматини олдиндан тўлаб берилмаётганлиги;

- лизинг берувчининг даромади (маржаси) фоиз даражаси миқдори чегараланмаган, яъни лизинг маржаси бозордаги вазиятдан келиб чиқиб белгиланади, бу эса лизинг олувчи учун қулай шарт эмас;

- молиявий манбаларнинг чегараланганлиги натижасида лизинг хажмини талаб даражасида ошириш имконияти йўқ;

- инфляция даражасига қараб техника нархи ёки лизинг шартномаси умумий суммасининг дисконтланмаслиги натижасида лизинг берувчи сарф қилган маблағлар қадри (тўловлилик қобилияти)нинг пасайиши²⁷.

С.Исмаилова лизинг олувчи томонидан лизинг объекти қийматининг 40 фоизини олдиндан тўлаб беришни таклиф қилади, лекин лизинг объекти қийматининг 25 фоизини олдиндан тўлаб бериш тартиби жорий қилинган. Бу кўрсаткич ҳамма томонлар учун қулай ҳисобланади.

О.Сабилов ўзининг номзодлик диссертациясида лизингга берувчиларнинг нафақат ўз маблағлари ҳисобидан, балки жалб қилинган ва кредит ресурслари ҳисобидан лизинг хизматлари кўрсатиши мумкинлигини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйишни таклиф қилади. О.Сабиловнинг лизинг битимларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифини муҳим амалий аҳамиятга эга²⁸.

Фуқаролик кодекси ва «Лизинг тўғрисида»ги қонунда лизинг тушунчасининг моҳияти бир хил талқин этилиши лозим. Бундан ташқари, лизинг тушунчасига таъриф берилаётганда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

- лизингни узоқ муддатли молиявий ижара сифатида алоҳида қайд этиш;

²⁷ Исмаилова С.С. Ўзбекистон агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм.дар.олиш учун диссертация. - Тошкент: БМА, 2009. - Б. 102 - 103.

²⁸ Сабилов О.Ш. Современное состояние лизинговых отношений в Республике Узбекистан и основные направления их дальнейшего совершенствования. Дисс.на соиск. уч. ст.к.э.н - Ташкент; БФА, 2001. - С. 127.

- лизинг шартномаларини 12 ойдан ортиқ муддатга тузишнинг мажбурий шарт эканлиги;

- лизинг муносабатларини уч субъект ўртасида юзага келиши, аммо, лизинг муносабатларини икки субъект ўртасида ҳам юзага келиши мумкинлиги эътироф этилиши лозим;

- лизингда лизинг объектини ҳақ эвазига вақтинчалик фойдаланиш шартининг мавжуд бўлиши.

Чунончи, инглиз лизинг уюшмаси (English Leasing Association - ELA) молиявий лизинга берувчи мажбурий бекор қилинмайдиган давр мобайнида капитални амортизация қилган ва фойда олган ҳолда тўловлар олиш бўйича шартнома деб белгилайди.²⁹

Демак, бир томондан, лизинг қайтариш шarti билан лизинга берувчи томонидан асосий капиталга қўйилмаларни, яъни лизинга берувчи, мулкдор бўлган ҳолда, асосий воситаларнинг элементларини муайян даврга тақдим этади ва лизинг шартномаси билан белгиланган муддатда уларни (ёки амортизация тўловлари кўринишида уларнинг пул эквивалентини) қайтариб олади. Ўз хизмати эвазига у ҳақ, яъни лизинг объектларидан фойдаланганлик учун тўлов олади. Шундай қилиб, лизингда муддатлилиқ, қайтаришлиқ ва тўловлилиқ тамойиллари амалга оширилиши таъминланади. Бу ташқи кўринишда қарз муносабатларига мос ва ўз моҳияти бўйича қарз келишувининг моҳиятини сақлаб қолади.

Бошқа томондан, лизинга берувчи кредитор ва лизинга олувчи-қарз олувчи капитал билан пул шаклида эмас, балки ишлаб чиқариш шаклида муомалада бўлиши муносабати билан лизинг ташқаридан қараганда шакли бўйича кўчмас мол-мулкка инвестицияларга ўхшаб кетади. Бунда лизинг бўйича капиталнинг ишлаб чиқариш шаклида ифодаланиши ҳозирги кунда тушинилиши ва амалга қўлланилиши туб маънода эски моҳиятини ўзгартиради ва унга кўп жиҳатдан янги мазмун касб этади. Ушбу маънода лизинг инновация ҳисобланади, шунинг учун ўзининг иқтисодий мазмунида

²⁹ www.eej-net.org.uk/reg_Fin_Lease/fin_lease.html.

капиталнинг ҳаракат шакли бўйича инвестиция механизмининг бўғини сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, агар лизингга мол – мулкни муддатлилик, қайтаришлилик ва тўловлилик шарти билан вақтинчалик фойдаланишга бериш сифатида қаралган тақдирда, уни асосий фондларга мақсадли кредит каби туркумлаш мумкин. Бундан ташқари, муносабатларнинг молиявий томонидан келиб чиқиб, биз томондан лизинг анъанавий банк кредитига муқобил, машиналар ва ускуналар сотиб олишни молиялаштирувчи янги (инновация) шаклларида бири каби қаралади, чунки мулкдор мол-мулкни тўлиқ қиймати бўйича сотиб олар экан, уни ушбу мол-мулкдан фойдаланувчиларнинг даврий бадаллари ҳисобига коплайди. Шунинг учун лизинг иқтисодий маънода лизингга берувчи томонидан лизингга олувчи фойдаланиш учун мол-мулк шаклида тақдим этиладиган инновация кредити ёки, кенг маънода, инновация инвестицияларининг тури ҳисобланади.

1.2. Лизинг муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари ва таҳлили

Жаҳон ҳўжалигида лизинг операциялари кўплаб мамлакатларда иқтисодиёт барқарорлиги ва ривожланишининг ажралмас қисми бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда. Миллий иқтисодиётларда лизинг ҳажми ўсишининг суръати машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш учун хусусий капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръатидан аҳамиятли даражада ошиб бормоқда. Маҳсулотларни ички бозор билан бир қаторда ташқи бозорларда сотишда ҳам лизингдан кенг фойдаланилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг лизингга оид қонунчилиги аҳамиятли даражада фарқланади. Чунончи, лизинг контракт охирида ускуналарни опцион билан сотиб олиш француз модели Англияда лизинг битими эмас, балки сотиш сифатидаги ижара ҳисобланади. АҚШда ҳам, шунингдек опцион лизингнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди. Лизингда сотиб олиш

учун опционнинг ўрни бутунлай қарама – қарши баҳога эга, яъни: уни лизингнинг керакли ва узлуксиз қисми каби тан олишдан бошлаб то лизинг операцияларида ижобий ўрин эгаллашини рад этгунга қадар.

Лизинг олинадиган мол – мулкнинг бухгалтерия ҳисоби қоидаларида ҳам бир хил ёндашиш кузатилмайди. Бухгалтерия ҳисобининг инглизсаксон тизими лизинг объекти ижарага олувчининг балансида акс эттирилишини назарда тутаяди, Франция ва бошқа айрим мамлакатларнинг амалдаги меъёрлари бўйича эса – у лизинга берувчи компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

Шу пайтда қадар дунё амалиётида ҳатто лизинг тушунчасининг ягона талқини ҳам берилмаган. Бу нафақат лизинг операцияларини ёритиш учун қўлланиладиган турли атамалардан фойдаланиш (Францияда – қарз – ижара, Бельгияда – молиявий ижара ва ҳ.), балки ҳуқуқий ва иқтисодий хусусиятлар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, кўпчилик мамлакатлар (жумладан, АҚШ) да лизинг битимларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, лизинг шартномаларидан келиб чиқадиган муносабатлар эса фуқаролик ҳуқуқи ва мол – мулкни вақтинчалик фойдаланишга беришда тарафларнинг муносабатларини белгиловчи савдо ҳуқуқининг умумий қоидалари, амортизация ва солиққа тортиш имтиёзлари ва бухгалтерия ҳисобига оид солиқ қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу мамлакатларда лизинг ва суд амалиёти етакчи ўрин эгаллайди.

Махсус ҳуқуқий таъминот мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, молиявий ва тезкор лизинг моҳиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий таърифи устувор ўрин эгаллайди.

Хорижий мамлакатларида лизинг муносабатларини тартибга солиш амалиётини умумлаштириш ҳуқуқий таъминот бўйича мамлакатларни уч гуруҳга ажратиш имкониятини беради:

- лизинг битимларини тартибга солувчи махсус қоидаларга эга (Франция, Белгия, Италия ва бошқалар);
- махсус қонун ҳужжатларига эга (Англия, Австралия);

- махсус қонунлар ва қонуности ҳужжатларга эга бўлмаган (АҚШ, Германия).

Биринчи гуруҳ мамлакатларининг махсус қонунларида лизингда вужудга келадиган уч томонлама муносабатларнинг бутун мажмуини тартибга солишга интилиш кўпчилик муҳим масалаларни батафсил тартибга солиш мавжуд эмаслиги билан мужассамлашган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ уч тарафлама асосдаги лизинг келишувида ускуна келажакда ижарага бериш мақсадида сотиб олиниши ва ундан фақат ишлаб чиқариш мақсадаларида фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек сотиб олиш ҳуқуқлари ва шартнома муддати тугагандан кейин сотиб олиш ҳуқуқлари ва у сотиб олинишининг чекланган баҳоси албатта қайд этилади. Шунинг билан бир қаторда, ушбу давлатларда таваккалчилик ва вужудга келадиган масъулият масалалари фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан ҳал этилади.

Мамлакатларнинг иккинчи гуруҳида лизингнинг ҳуқуқий тартибга солиниши икки тамойилдан – вақтинчалик фойдаланиш учун бериладиган мол – мулк қийматидан ва лизинг келишуви субъектларидан мол – мулк қийматидан ва лизинг келишуви субъектларидан келиб чиқиб тартибга солинади. Масалан, Англиянинг қонунчилик амалиётида агар лизинг қиймати 2000 фунт – стерлингдан ошмаса, фойдаланувчи эса – ҳуқуқий шахс бўлса, 1965 йилги “Ижара – сотиш тўғрисида”ги қонун меъёрлари қўлланилади.

Учинчи гуруҳ мамлакатлари учун махсус қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги лизинг ривожланишига тўсқинлик яратмайдиган АҚШ ҳуқуқига хосдир. Бу яқин вақтларга қадар АҚШда амортизация ва солиқ имтиёзлари лизинга мурожаат қилиш учун асосий туртки берувчи омил бўлиб ҳисобланганлиги билан изоҳланади. Улар ўз навбатида солиққа тортиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларда лизинг битимларига нисбатан шунингдек фуқаролик ва савдо ҳуқуқ қоидалари кенг қўлланилади.

Бир қатор мамлакатларда лизинг муносабатларининг субъектлари тўғрисидаги масала ҳам турлича ҳал этилади. Масалан, Францияда лизинг битимларини банклар ва улар билан боғлиқ бўлган махсулаштирилган молиявий ташкилотлар амалга ошириши мумкин. Бельгияда лизинг билан фақат Бельгия Қироллиги Иқтисодиёт вазирлигининг махсус рухсатномасига эга бўлган ташкилотлар шуғулланиши мумкин. Италияда лизингга берувчи муайян миқдордаги капиталга эга бўлиши лозим. АҚШда лизинг компанияларининг тўрт тури кенг тарқалган:

- банклар ва уларнинг бўлимлари;
- техника ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг лизинг бўйича махсулаштирилган бўлимлари;

- мустақил лизинг фирмалари;
- бошқа ташкилотлар (суғурта, брокерлик, инвестиция ва ҳ.);

Банкларнинг лизинг бизнеси доирасига фаоллик билан кириб бориши бир қатор шартлар билан белгиланади, жумладан:

- деярли барча мамлакатларда банклар томонидан мол –мулкни лизингга бериш, яъни бевосита ижарага берувчилар вазифасини бажаришга рухсат берилганлиги натижада ўтган асрнинг 60 -70 йилларида компанияларда ликвид маблағларга кескин етишмовчилик вужудга келганда банклар зудлик билан ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб, ускуналарни лизингга тақдим эта бошладилар;

- бир қатор мамлактларнинг қонун ҳужжатлари банклар томонидан бир шахсга ўз устав капиталидан 10% ортиқ бўлган миқдорда кредит беришни тақиқлайди, лизингга эса ушбу чекловлар тааллуқли эмас;

- лизинг операциялари шакли бўйича кредитлашнинг вариантлари бўлганлиги ва бир қатор ҳолларда уларнинг асосий моҳияти молиялаштириш (биринчи навбатда молиявий лизинг) ҳисобланганлиги сабабли банклар лизинг лойиҳаларини ташкил этиш ва бажаришда керакли иштирокчилар

бўлиб қоладилар. Ҳозирги кунда етарли даражада йирик ҳисобланган оператив банкнинг бевосита иштирокисиз амалга оширилмайди.

АҚШда лизинг ривожланишининг сабабларидан бири солиқ имтиёзлари, яъни тезлаштирилган амортизация ва инвестиция солиқ имтиёзи (янги инвестицияларнинг 10% гача қиймати солиқ суммасидан чегирилган) ҳисобланади. Масалан, ускунани сотиб олиш бўйича харажатлар – 100 000 доллар, инвестиция бўйича имтиёз – 10% бўлган тақдирда, 10 000 долларга тенг бўлган сумма солиқ суммасидан чегирилади. Бироқ, шартнома АҚШ Молия вазирлигининг Ички даромадалр бошқармаси томонидан ижара учун белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлган ҳолдагина солиқ имтиёзлари бўйича ҳуқуқ пайдо бўлади. АҚШ Молия вазирлигининг Ички даромадлар бошқармаси томонидан:

- лизинг 30 йилдан кам бўлган муддатда амал қилиши;
- лизинг билан мол – мулк оқилона бозор баҳосидан кам бўлган баҳода сотиб олиш имконияти назарда тутилмаслиги, масалан 1 долларга;
- лизинг тўлов жадвалида даставвал юқори миқдордаги тўловларни, кейинчалик эса – кам миқдордаги тўловларни назарда тутмаслиги белгиланган. Бу лизингдан солиқдан бош тортиш воситаси каби фойдаланилаётганлиги тўғрисида далолат берар эди;
- лизинг ижарага берувчини фойданинг меъёрий бозор даражаси билан таъминлаши;
- лизинг муддатини узайтириш ускунанинг меъёрий бозор қийматини ҳисобга олиш билан белгиланади.

Лизинг тарафларга аҳамиятли даражада солиқ имтиёзларини тақдим этиши муносабати билан солиқ идоралари авваламбор у ушбу имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида тарафлар томонидан лизинг шартномаси шаклидаги ниқобланган олди – сотди эмаслигини аниқлайдилар. Бунда амалиёт бир қатор меъёрий ҳужжатларга таянади. АҚШнинг Ички даромадлар бошқармаси лизингнинг мунтазам равишда Чоп этади, уларда лизинг шартномаси ва

шартли олди – сотди шартномаси ўртасидаги фарқларни белгилаш учун асосий мезонлар баён этилади.

Агар ижарага берувчи мол – мулкни амалда унинг бутун фойдаланиш муддатида ишлатмаса, шартнома имтиёзли солиққа тортиш мақсадида тузилган ҳисобланади (лизинг компаниясига мол – мулк эгаси сифатида каралади). Амалиёт шартнома лизинг шартномаси сифатида тан олинмаган суд ишларининг асосий қисми мол – мулкдан аксарият бутун иқтисодий фойдаланиш муддатида ишлатилган шартномаларга таалуқлилигини кўрсатади.

Агар мол – мулкка эгалик қилиш ҳукуқи ижарага берувчига ўтказилса, шартнома олди – сотди шартномаси каби ҳисобланади. Агар Ушбу мол – мулкдан вақтинчалик фойдаланиш учун тўловлар амалдаги ҳаққоний ставкалардан аҳамиятли даражада юқори бўлган тақдирда Ушбу шартнома лизинг шартномаси каби ҳисобланмайди.

Ушбу ҳолатда шубҳасиз лизинг шартномаси ҳисобланган шартнома бўйича тўловлар ҳисоблаш нуқтаси каби олинади. Шартли равишда сотишда сотувчи, одатда лизинг компанияларидан фарқли мол – мулк қийматини ўзига тезкор қайтариш ҳолати бундай омил қабул қилиниши учу насос бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун оширилган даврий тўловлар тузилган шартнома лизинг шартномаси эмас, балки шартли равишда олди – сотди шартномаси эканлигидан далолат бериши мумкин. Агар сотиб олиш бўйича опцион баҳоси бошқа тўловларга нисбатан пастроқ бўлган тақдирда ҳам шартнома, шунингдек, олди – сотди шартномаси каби тавсифланади.

Японияда лизинг бизнеси XX асрнинг 60 - йилларидан бошланди. Лизинг операциялари шу қадар юқори суръатларда ривожландики, натижада Япония лизинг операциялари ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайдиган давлатга айланди.

Лизинг фаолияти ривожланган жаҳоннинг айрим мамлакатларида, хусусан, Францияда, Бельгияда, Испанияда махсус лизинг қонунчилиги мавжуд. Ушбу мамлакатларнинг меъёрий ҳужжатларида лизинг тушунчасига

таъриф берилган, молиявий лизинг (молиявий ижара) шартномаси тузилганлиги тўғрисида далолат берувчи белгилар қайд этилган, лизинга берувчи жавоб берадиган талаблар, шунингдек лизинг муддати ва мол – мулкнинг меъёрий хизмат қилиш муддати ўртасидаги муносиблик шакллантирилган, лизинга берувчи, лизинга олувчи ва мол – мулкни сотувчи ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Японияда лизинг муносабатларининг бирламчи ҳуқуқий асоси бўлиб, Фукаролик кодекси ҳисобланади. Фукаролик кодексига кўра, молиявий лизинг қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- лизинг муддати қатъий белгилаб қўйилади ва лизинг тўловларининг жами суммаси лизингга берилган ускунани сотиб олиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар суммасидан кам бўлмаслиги керак;

- лизингга олувчи ижарага олинган активдан келган барча даромадлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, лизинг шартномаси муддати давомида фойдаланилаётган актив бўйича барча харажатларни қоплаши зарур;

- молиявий лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш мумкин эмас.³⁰

АҚШда тузилган лизинг шартномаларининг асосий қисмида ижарага олувчи у томонидан фойдаланилган мол – мулкни шартнома муддати тугагандан кейин сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисида изоҳ мавжуд. Бироқ лизинг амалда кучга эга эканлигини тасдиқлаш учун ижарага олувчи томонидан мол – мулк учун тўлаши лозим бўлган баҳо ижарага берувчи мол – мулкни бошқа ҳар қандай шахсга сотиши мумкин бўлган баҳога тенг бўлиши (яъни «ҳаққоний бозор баҳоси» бўлиши) лозим.

АҚШда 1997 йилга қадар фирмалар ускуналар қийматини ўзларининг балансларида акс эттирмасдан уларни ижарага олишлари мумкин эди, яъни балансдан ташқари счёт мавжуд эди. Шу боис, йирик миқдорда қарздор бўлган фирмалар, қарзнинг ошган суммасини кўрсатмаган ҳолда қўшимча

³⁰ Газман В.Д. Финансовый лизинг. - М.: ГУ ВШЭ, 2005. - С. 254-255.

равишда ускуналарни олишлари мумкин эди. Шундай қилиб, ҳақиқий қарз инвесторлар ва экспортёрларга маълум бўлмасдан яшириниб қолар эди. 1976 йилда Молиявий ҳисобнинг стандартлаштириш бошқармаси томонидан айрим молиявий битимларни мол – мулкни сотиб олиш каби ҳисобга оладиган ва ўз зиммасига молиявий мажбуриятларни қабул қилишга мажбур этадиган 13 – сонли қарор қабул қилинган. Ушбу қарорнинг мақсади «ҳақиқий лизинг»ни лизинг ёрдамида сотиб олишдан фарқлашдан иборат эди.

Меъёрий ҳужжатларда битимларни лизинг операцияларига мансуб деб тан олиш қоидалари ҳам аҳамиятли равишда фарқланади. Бундан ташқари, лизингнинг алоҳида хусусиятлари бўйича қонун ҳужжатларининг ўзи бир мамлакатнинг ўзида вақти – вақти билан ўзгариб туради.

Бельгияда:

- мол-мулк ижарага олуви томонидан фақат касбий мақсадларга ишлатилиши лозим;
- мол-мулк ижарага берувчи томонидан келгуси лизинга бериш мақсадида сотиб олиниши ва келгусидаги ижарага олувчининг талабларига жавоб бериши лозим;
- лизинг муддати мол-мулкдан фойдаланиш муддатидан ошиши мумкин эмас;
- ижара тўлови шундай белгиланиши керакки, у контракт амал қилиши муддати давомида ижарага берувчи ижарага олинган мол-мулк қийматини қоплаш имкониятини яратиши лозим;
- контрактда ижарага олувчи лизинг муддати тугагандан кейин шартномада келишилган мол-мулкнинг қолдиқ қийматига мос бўлган нархда ижарага олинган мол-мулкка эга бўлиши ҳуқуқи назарда тутилиши лозим.

Англияда агар контракт:

- мол-мулк ишлатиладиган муддатдан 75% кам бўлмаган муддатга тузилганда;

- унинг амал қилиш муддати даврида мол-мулк қиймати тўлиқ (ёки аҳамиятли) тўланиши назарда тутилганда;
- унда лизингни имтиёзли шартлар (банкдан қарз олишга қараганда) асосида қайтадан тиклаш имконияти назарда тутилганда у лизинг контракти ҳисобланади.

Австрияда:

- лизинг контрактининг асосий муддати мол-мулкни иқтисодий ишлатиш муддатининг 40 – 80%ини ташкил этиши керак;
- сотиб олиш опционининг қиймати опцион сотиладиган пайтдаги мол – мулкнинг қиймати билан мос бўлиши лозим;
- лизинг шартномаси узайтирилган муддатда (агар бундай ҳолат кузатилганда) даврий тўловлар номинал бўлиши керак;
- агар фақат фойдаланувчи учун керакли бўлган махсус мол-мулк лизинг контрактининг ашёси ҳисобланган тақдирда, фойдаланувчи бундай мол-мулкнинг иқтисодий мулкдори ҳисобланади.

Буюк Британияда лизинг фақат 1979 йилдан, яъни солиқ имтиёзлари жорий этилгандан кейин кенг ривожланди. Компания инвестиция қилинган йилда солиққа тортиладиган фойдадан 100% инвестицияларни чегириши мумкин эди. Ушбу имтиёзлар ката даромадга эга бўлган компанияларга аҳамиятли, лекин улардан билвосита ижарага олувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин эди.

Компания солиқ имтиёзларидан фақат ҳисобот йилининг охирида фойдаланиш мумкин эди. Шунинг учу нагар у инвестицияларни йилнинг бошида амалга оширган бўлса, у ушбу имтиёзлардан олинадиган нафни бир қанча вақт кутишига тўғри келар эди. Бироқ агар компания ускунани лизинг компаниясига сотиб ва ундан кейин ижарага олган тақдирда (лизинг компаниясида молиявий йил охири олдинроқ якунланиши шарти билан) билвосита нафлар тезроқ олинади. Шунинг учун лизинг компаниялари молиявий йиллари турли муддатларда якунланадиган филиаллар очишга

уринадилар. Солиқ инвечтиция имтиёзи текин бўлмасдан ижара тўловлари бўйича солиқ орқали қайтарилар, лекин шунга қарамасдан у мол-мулк қийматининг 52% ига тенг бўлган фоизсиз қарз ҳисобланар ва ижарага олувчи учун лизинг қийматига таъсир кўрсатар эди.

Германияда лизинг мол-мулкни солиққатортишда иқтисодий ёндашиш белгиловчи омил ҳисобланади:

- агар мол-мулкдан меъёрий фойдаланиш муддати ижаранинг асосий муддатидан аҳамиятли даражада юқори бўлса ва ижарага олувчи уни узайтириш ҳуқуқига ва сотиш пайтида ижара тўловидан ёки сотиб олиш баҳосидан аҳамиятли даражада кам миқдорда фақат йиғим тўлаши керак бўлган опцион ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, молиявий лизинг ҳолатида мол-мулк бўйича солиқларни одатда ижарага олувчи тўлайди;
- ижарадан фойдаланиш муддати ва ижара вақти тахминан бирига мос бўлган тақдирда ҳам ушбу қоида қўлланилади;
- ижарага олувчи томонидан солиқ тўлаш мажбурияти фақат ижарага олувчи, хўжалик мулкдори сифатида солиқ имтиёзларига эга бўлган инвестициялар бўйича ҳуқуқдан фойдаланиши мумкинлигини ифодалайди;
- мол-мулк бўйича солиқларни тўлаш ҳар бир ҳолатнинг вазиятларини ҳисобга олган ҳолда лизинга берувчи ёки ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

Лизинг ҳақиқатда ҳам Ғарб мамлакатларининг миллий иқтисодиётларини ривожлантириш, халқаро бозорда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун самарали омил бўлиб қолди. Шунинг билан бир қаторда, Ғарб тадбиркорлик амалиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган ҳар қандай иқтисодий ҳодиса, хўжалик тизимини қайта қуриш муносабати билан Ўзбекистонда ҳам ўз ўрнини топомқда. Бироқ Ғарб мамлакатлари учун хос бўлган, мамлакатимизникидан аҳамиятли даражада ва тарихий фарқланадиган, ўзбек заминида қўлланиш учун келтирилган иқтисодий ҳодисалар ўзига хос бўлган шаклларга эга бўлиб қолиши табиийдир. 30-40 йиллар муқаддам Ғарб иқтисодиётчиларининг моҳияти бўйича лизинга

жонли қизиқиши бизнинг замондошларимизнинг қизиқишидан аҳамиятли фарқланади.

Жаҳон хўжалигида илмий-техникавий инқилобнинг юз бериши, иқтисодий фаолликнинг кескин ривожланиши, иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган эҳтиёжлари кенг кўламда ўсиши, иқтисодиётни фақат анъанавий йўллар билан молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни қайта техникавий куроллаш ҳисобига қондириб бўлмайдиган ҳолисона вужудга келган иқтисодий ўсишнинг аҳамиятли суръатлари ҳақиқатдан ҳам ўз вақтида Ғарб давлатларида лизинг ривожланишида навбатдаги, алоҳида турткини олган. Ўша вақтдаги янада ҳам кескинлашаётган рақобатда лизинг битимлари ишлаб чиқарувчилар учун истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва янги мол етказиб бериш бозорларини ўзлаштиришда қўшимча энг долзард манбалардан бири бўлиб қолди.

Хўш, мамлакатимизда лизинг соҳасидаги ривожланиш қандай кечмоқда? Албатта, Ҳозирги пайтда мамлакатимизда лизинг соҳасида ўсиб бораётган фаолликни кузатмоқдамиз, бу асосан иқтисодий вазият ҳолатидан келиб чиқмоқда. Бизнингча, лизингни ривожлантириш учун қуйидаги асосий шарт-шароитларни келтириш мумкин:

- маънавий эскирган ва жисмоний ишлаб бўлган ускуналарнинг етарли даражада кўп миқдорда мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш воситалари билан савдо-сотиқ заиф ташкил этилган шароитларда сотилмаётган товар-моддий бойликлар захираларининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш ва рентабеллик ускуналарнинг қимматлиги оқибатида оддий банк кредитидан фойдаланилган ҳолда кичик ва ўрта фирмалар ўзларининг ишлаб чиқаришини ташкил эта олмаслиги;
- кўп йиллардан бери иш кучи ва хом ашёнинг нисбатан кам баҳоланиши, шунингдек турли товарлар экспорт қилиниши.

Лизинг компаниялари томонидан ушбу вазиятларни ҳисобга олиш ва амалга ошириш борасида иш олиб бориши бизнинг лизинг компанияларимиз

Ўзларининг ривожланишида янги босқичларга кўтарилишига имкон беради деб ҳисоблаймиз. Бозорда янги ўринларини топиб ва уларни тўлдириб, лизинг фирмалари бўлғуси ва амалдаги товар ишлаб чиқарувчиларга республиканинг умумий ички ялпи маҳсулотининг ҳажмига ўз ҳиссасини кўшишда ёрдам беради.

1.3. Лизинг турлари ва уларнинг тавсифи

Инвестиция-инновация куралининг барча шакллари камраб олишга имкон берувчи лизинг турларини туркумлаш лизингнинг энг кенг ёритилган таърифини беради. Айнан шунинг учун лизинг моҳияти тўғрисида инвестиция тури каби гапирилганда, қуйидаги белгилар билан тавсифланган, иқтисодий ва молиявий адабиётда келтирилган лизинг турлари тўлиқ туркумланишини келтириш жуда ҳам муҳим ҳисобланади:


- лизинг муносабатлари иштирокчиларининг таркиби;
- лизингга бериладиган мол – мулкнинг тури;
- унинг ўзини – ўзи оқлаш даражаси;
- амортизация шартлари;
- хизмат кўрсатиш ҳажми;
- лизинг муносабатлари бозорининг сектори;
- солиқ ва амортизация имтиёзларига нисбатан муносабати.

Лизинг муносабатлари иштирокчиларининг таркибидан (субъектлардан) келиб чиқиб қуйидагиларни фарқлайдилар:

Бевосита лизинг – анъанавий уч тарафлама битим (мол етказиб берувчи – лизингга берувчи – лизингга олувчи) ёки йирик мураккаб битимларда иштирокчилар сони учтадан кўп бўлган кўп тарафлама битим, бунда лизинг компанияси лизинг бўйича тижорат банки ёхуд бошқа молиявий – кредит институтлари ёхуд йирик лизинг битимларини молиялаштириш учун ўз капиталини бирлаштирган шунга ўхшаш лизинг компаниялари билан биргаликда чиқади.

Демак, бевосита лизинг, бунда мол – мулкни тақдим этиш бевосита лизингга берувчи орқали амалга оширилади ва қуйидаги 1.2-чизма орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

1.2-расм



Бу ерда:

- 1 - лизинг контракти тузилиши;
- 2 - мунтазам лизинг тўловлари;
- 3 – олди-сотди контракти;
- 4 - ускуна тўлиқ қийматининг тўлови;
- 5 - ускунани етказиб бериш.

Энди бевосита қайтариладиган лизингга тўхталиб ўтсак. «Қайтариладиган лизинг» лизинг битимларининг бир тури ҳисобланади. Моҳияти бўйича у икки тарафлама лизинг битимидир. Лизинг шартномаларининг бундай лизингга оловчи бир вақтнинг ўзида лизингга олинадиган мол – мулкнинг «етказиб берувчиси» бўлиб ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, ускунанинг эгаси уни лизинг компаниясига сотади ва бир вақтнинг ўзида лизингга оловчи сифатида у билан Ушбу ускуна бўйича лизинг шартномасини тузади. Битим қуйидаги кетма – кетликда амалга оширилади:

- 1 – ижарага берувчи ва ижарага оловчи ўртасида лизинг келишуви тузилади;
- 2 – лизинг фирмаси ижарага оловчи – ускуна эгасидан ускунани сотиб олади;

3 – ижарага олуви лизинг контрактининг шартларига мувофиқ мунтазам равишда ижара тўловларини амалга оширади.

Бундай битимнинг дастлабки мулкдор, кейинчалик эса ускунани лизингга олувчи афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ускуна сотиб олиниб, ушбу ускунани сотиб олиш учун аҳамиятли маблағлар жалб қилиниши унинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келганлиги ёки олиб келиши мумкинлиги аён бўлгандан кейинги ҳолатларда у лизинг компаниясининг хизматларидан фойдаланиши мумкин;

- у лизинг компаниясидан ускунанинг тўлиқ қийматини олади, Ушбу ускунага эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда уни сотиб олиш учун сарфланган маблағларни қайтаради;

- у ўзига керакли бўлган ускунага эга бўлган ва ундан фойдаланган ҳолда лизинг компанияси билан музокараларни олиб бориши мумкин (ушбу музокаралар айрим ҳолларда узоқ муддатли чўзилиши мумкин).

Ундан ташқари:

- ижара тўловлари корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасидан чегирилади ва жорий тезкор харажатлар каби ҳисобга олинади;

- ижарага олувчидан банк кредитини олишдан камроқ қўшимча кафолатли таъминот тақдим этилиши талаб қилинади (акциялар, облигациялар, банк кафолати ёки кафолатларнинг қандайдир бошқа шакллари).

Шундай қилиб, ускуна сотиб олиш пайтида қандайдир асбобларга кўра лизинг имкониятлари тўғрисида билишни хоҳламаган, билишга имконияти бўлмаган ёки умуман билмаган компаниялар ускуна сотиб олингандан кейин унинг барча афзалликларидан (жумладан жадаллаштирилган амортизация, лизинг тўловларини таннархга ўтказиш ва бошқалардан) тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Лизингнинг ушбу чизмаси кўпчилик ҳолатларда айнан молиявий ижара шартномаси учун назарда тутилган солиқ имтиёзларини олиш учун фойдаланилади.


Ниҳоят, қайтариладиган лизинг кўпчилик ҳолатларда корхона молиявий ҳолатини яхшилаш учун самарали ва нисбатан арзон усул бўлиб ҳисобланади. Лизингнинг ушбу турида ижара тўловларининг миқдори асосан кредитнинг жорий қийматига ва амортизация чегирилган ижарага олинган ускунанинг қийматига боғлиқ бўлади.

Ускунани сотиб олиш ва уни лизинга олувчига сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ одатда ижарага олувчига тўланмасдан, амортизация ҳисобга олинади ёхуд ижара тўловлари орқали мутаносиб равишда тақсимланади. Агар битим тузиш пайтида ускунанинг бозор қиймати унинг амортизацияланмаган қолдақ қийматидан кам бўлган тақдирда, фарқ ижарага олувчининг балансида зарар каби акс эттирилади. Ишлатишда бўлган ускунадан янги қурилаётган объектларни молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш қайтариладиган лизингнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади.

Қайтариладиган лизинг, бунда мол – мулк эгаси уни бўлғуси лизинга берувчига сотади, кўпчилик ҳолатларда унинг ўрнида тижорат банки чиқади ва бир вақтнинг ўзида, ушбу мулкдан фойдаланувчи сифатида у билан муносабатларга киради ва ушбу жараёни қуйидаги 1.3-чизма орқали кўриб чиқишимиз мумкин:

1.3-расм

Қайтариладиган лизинг жараёни



Бу ерда:

1 – ускуна қиймати;

2 – ижара тўловлари.

Кўпчилик ҳолатларда лизинг бевосита эмас, балки воситачи орқали амалга оширилади. Унинг чизмаси қуйидаги тартибда амалга оширилади. Асосий лизинга берувчи мавжуд, у воситачи одатда лизинг компанияси орқали ускунани лизинга олувчига ижарага топширади. Бунда воситачининг

вақтинчалик тўлов қобиляти бўлмаган ёки у инқирозга учраган тақдирда, лизинг тўловлари асосий лизингга берувчига келиб тушиши лозимлиги шартномада назарда тутилади. Бунга ўхшаш битимлар «иккиламчи лизинг» деб номланади.

Халқаро доирада «дабл диппинг» (double dipping) деб номланадиган иккиламчи лизинг битимлар икки ва ундан кўп мамлакатларда солиқ имтиёзларининг комбинациясидан фойдаланиладилар. Ушбу битимларнинг самаралилиги шунинг билан боғлиқки, масалан, Буюк Британияда агар лизингга берувчи мулкчилик ҳуқуқига, АҚШда эса – лизингга берувчи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, солиқ имтиёзларидан олинадиган наф кўпроқ бўлади. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда лизинг битими қуйидаги чизмага асосан тузилиши мумкин.

Буюк Британиядаги лизинг компанияси ускуна (мулкчилик ҳуқуқи)ни сотиб олади ва уни америкалик лизинг компаниясига беради (эгалик қилиш ҳуқуқи), у эса, ўз навбатида, уларни маҳаллий лизингга олувчиларга ўтказди.

Лизингга бериладиган мол – мулкнинг турига қараб қуйидагиларни фарқлайдилар:

- фаол бўлмаган (кўчмас) мол – мулк лизинги;
- фаол (кўчар) мол – мулк лизинги ёки машина – техникавий лизинг.

Мол – мулк ўзини ўзи қоплаш даражаси бўйича қуйидагилар ажратилади:

- тўлиқ ўзини ўзи қоплайдиган лизинг, бунда бир шартнома амал қилиш муддатида ижарага берилган мол – мулкнинг қиймати лизингга берувчига тўлиқ тўланади. Лизинг шартномаси тугагандан кейин лизингга олувчи ускунани қолдиқ ёки бошқа келишилган нархда сотиб олиш имконияти берилади;

- тўлиқ ўзини ўзи қоплайдиган лизинг, бунда бир шартнома амал қилиш муддатида ижарага берилган мол – мулкнинг фақат бир қисми

копланади, бундан кейин эса мол – мулк лизингга берувчига қайтарилади ёхуд лизинг шартномасининг муддати узайтирилади.

Амортизация шартларига қараб қуйидагиларни фарқлайди:

- тўлиқ амортизацияланадиган лизинг ва тегишли равишда, лизинг объектининг қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг;
- тўлиқ амортизацияланмайдиган лизинг, бу – қиймати қисман тўланадиган лизинг.

Юқорида қайд этилган бир-бири билан узлуксиз боғлиқ бўлган икки туркумланиш белгилари асосида молиявий ва тезкор деб аталадиган лизингни ажратадилар. Амалиётда, айниқса молиявий-кредит институтлари томонидан кўпроқ молиявий лизинг қўлланилади. Бу унинг ўзига хос бўлган белгилари билан изоҳланади.

Молиявий лизинг (finance leasing) ўзини ўзи тўлиқ қоплайдиган мол – мулк лизинги ёки унинг қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг ҳисобланади (full – payout lease). Шартнома амал қилиш муддатида лизингга берувчи мол – мулкнинг бутун қийматини ўзига қайтарганда ва лизинг операциясидан фойда олганда лизингнинг бундай тури кузатилади. Молиявий лизингда ускуна вақтинчалик фойдаланишга берилган муддат вақти бўйича унинг тўлиқ амортизацияланадиган муддати билан мос келади.

Бундай турдаги лизинг битимлари мол – мулкни атайлаб мулк сифатида сотиб олиш ва кейинчалик уни вақти бўйича ишлатиш ва мол – мулк қийматининг бутун ёки кўп қисми амортизацияланиши яқинлашадиган муддатга вақтинчалик эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш операцияси ҳисобланади. Шартнома амал қилиш муддатида лизингга берувчи лизинг тўловлари ҳисобига мол – мулкнинг бутун қийматини ўзига қайтариб олади ва молиявий битимдан фойда олади.

Молиявий лизингни тавсифловчи асосий белгилар қуйидагилардан иборат:

- лизингга берувчи мол – мулкни ўзи фойдаланиши учун эмас, балки уни лизингга бериш учун атайлаб сотиб олади;

- мол – мулкни ва унинг сотувчисини танлаб олиш ҳукуки фойдаланувчида қолади;

- мол – мулк эгаси у лизинга бериш учун атайлаб сотиб олинаётганлигини билади; мол – мулк бевосита фойдаланувчига етказиб берилади ва у томонидан ишлатиш учун қабул қилинади;

- мол – мулкни сифати, унинг бутлиги, кафолатмуддати бузиқликларини тузатиш бўйича даъволар лизингга олувчи томонидан бевосита мол – мулк сотувчисига йўлланилади;

- мол – мулк тасодифан нобуд бўлиши ва бузилиши таваккалчилиги мол – мулк ишлатилишга қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин лизингга олувчига ўтади.

Молиявий лизинг мустақил номланадиган бир неча турларга эга. Анъанавий молиявий лизинг ўзаро муносабатларнинг уч тарафлама тавсифга эгалик ва мол – мулк қиймати тўлиқ қопланиши билан таснифланади. Лизингга олувчининг талабномаси бўйича лизинга берувчи мол етказиб берувчидан керакли бўлган ускунани сотиб олади ва уни лизингга олувчига беради ҳамда лизинг тўловлари ҳисобига ўзининг молиявий харажатларини қоплайди ва фойда олади.

Оператив лизинг молиявий лизингнинг эволюцион ривожланиши натижасидир. Операцион лизинг битими бўйича - бино ва асбоб-ускуналарни қисқа вақтга (бир кундан бир йилгача ёки кўпроқга) лизингга олганда лизинг берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва лизингни амалга ошириш бўйича харажатлар деб аталувчи жорий харажатларни тўлаш, масалан солиқлар ва мулк суғуртасини тўлашни ўз зиммасига олади. Оператив лизинг молиявий лизингдан қуйидаги жиҳатлар билан фарқ қилади:

- қисқа муддат;
- лизинг объектини лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг берувчига қайтарилиши;
- лизингга бериладиган мулкларнинг чегараланганлиги;

- лизинг берувчи лизингга бериладиган предметни аниқ етказиб берувчисини топиш мажбуриятига эга эмаслиги;

- ҳисобга олишдаги фарқлар;

- олдиндан қисман тўловнинг, яъни аванснинг мавжуд эмаслиги (бир ой муддатга фойдаланишга берилади).

Агар лизинг шартномасида юқоридаги талабларнинг бирортаси ҳам кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда лизинг тезкор лизинг ҳисобланади.

Лизинг ихтиёрий ишлаб чиқариш моддий – техника базасини ривожлантиришга кенг кўламда капитал маблағ жалб қилишнинг асосий молиявий воситаси сифатида юқорида таъкидланганидек, банк кредити, ссуда, кечиктирилган тўловни сотиб олиш ва шунга ўхшаш молиявий рицагларга қараганда бирмунча устунликларга эга бўлиб, уларнинг айримларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- лизинг 100 фоиз қарз олишни кўзда тутди ва қарзнинг ҳаммасини тезда қайтаришни талаб этмайди;

- лизинг бўйича шартнома тузиш ссудага қараганда осондир; чунки битимни таъминлашни ускунанинг ўзи амалга оширади. Бу айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга қулай.

Тезкор лизинг (operative leasing) – бунда шартнома муддати мол – мулкнинг иқтисодий ишлатиш муддатидан камроқ. Тезкор лизингда ижарага мол – мулкнинг қиймати қисман тўланиши кузатилади (non – fullpazout lease) ва шунинг учун лизингга берувчи уни, одатда, турли фойдаланувчиларга бир неча бор вақтинчалик фойдаланишга беришга мажбур.

Лизингнинг ушбу тури буюм ҳаёт циклининг муддати ижаранинг контракт муддатидан аҳамиятли даражада юқори бўлиб, ускуна ижарага қисқа муддатларга берилганда қўлланилади. Тезкор лизингда ижара вақти давомида ускуна тўлиқ амотизацияланмайди ва қайтадан ижарага берилиши ёки ижарага берувчига қайтарилиши мумкин. Амалиётда тезкор лизинг операциялари уч йиллик даврдан ошмайди. Бундай битимларда ижарага берувчи ижарага олувчини олдиндан огоҳлантириш шарти билан контрактни

бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизингнинг ушбу тури ижара объекти сақланиши учун ижарага берувчи кўпроқ масъулиятга эгаллигини назарда тутлади. Ижарага берувчи ускунани таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун мол етказиб берувчи фирма билан мустақил шартнома тузиш бўйича ўзига мажбурият олади.

Тезкор лизинг қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- лизинг шартномасининг муддати мол – мулкнинг меъёрий хизмат муддатидан аҳамиятли кам, шу сабабли лизингга берувчи мол – мулк қийматини бир шартномадан келадиган тушумлар ҳисобига қоплашни назарда тутмайди; мол – мулк лизингга кўп маротаба берилади; лизингга олувчи талабномаси бўйича олинган мол – мулк эмас, балки лизинг компаниясида мавжуд бўлган мол – мулк берилади. Бошқача қилиб айтганда, лизинг компанияси мол – мулкни сотиб олар экан, унинг аниқ белгиланган фойдаланувчисини билмайди. Шу боис, тезкор лизингда ихтисослаштирилган лизинг компаниялари янги Билан бир қаторда фойдаланишда бўлган лизинг мол – мулк бозори конъюктурасини яхши билиш лозим;
- техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, суғурталаш бўйича мажбуриятлар лизинг компаниясининг зиммасига юклатилади;
- агар кўзда тутилмаган вазиятларга кўра мол – мулк фойдаланиш учун яроқсиз ҳолда келса, лизингга олувчи шартномани бекор қилиши мумкин;
- лизинг мол – мулкнинг тасодифан nobуд бўлиш, йўқотилиш, бузилиш таваккалчилиги лизинг берувчининг зиммасида бўлади;
- тезкор лизингда лизинг тўловларининг миқдори молиявий лизингга қараганда юқорироқ бўлади, чунки лизингга берувчи, масалан, мол – мулкни қайтадан топшириш учун мижозлар бўлмаслиги, мол – мулк бузилиши ёки nobуд бўлиши билан боғлиқ қўшимча таваккалчиликларни ҳисобга олиш лозим;

- шартнома муддати тугагандан кейин, одатда, мол – мулк лизинга берувчига қайтарилади.

Лизинг ушбу турининг шаклланиши ва ривожланиши лизинг ускуналарининг иккиламчи бозори пайдо бўлиши билан вужудга келади, зеро ижарага берувчида лизинг муддати тугагандан кейин мол – мулкни бошқариш ва лизингга қайтарилган мол – мулкни қайта сотиш соҳасида иш олиб боришни тақозо этади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, лизингнинг қуйидаги турлари мавжуддир: бевосита лизинг, молиявий лизинг, оператив лизинг ва тезкор лизинг амалиёти мавжуддир. Бироқ, тезкор лизинг амалиёти пайдо бўлганлигига қарамасдан, ушбу тушунча Россиянинг меъёрий – ҳуқуқий асосига мослиги юзасидан шубҳалар қолмоқда. Кўпчилик экспертларнинг фикри бўйича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-599 – моддаларига мувофиқ у ёки бу ускуна юзасидан лизинг битими фақат бир маротаба, яъни у лизинга берувчи томонидан лизингга олувчи учун сотиб олинган пайтда тузилиши мумкин. Тезкор лизинг ашёси ижарага олувчи томонидан қайтарилган ҳолатда (ёхуд у томонидан молиявий лизинг муддати тугагунга қадар талаб қилиниб олса), қайтадан ижарага берилган ушбу ашё жорий ижара ашёси бўлиб ҳисобланади. Бунда лизинг муносабатлари жорий ижара билан боғлиқ муносабатларга айланиши содир этилади.

Шундай қилиб, ҳозирги замонавий жаҳон ҳўжалигида, лизинг муносабатлари оддий ижара муносабатларидан инновацион лизинг операциялари даражасига кўтарилди. Умумий олганда, лизингнинг икки асосий тури ажратиб кўрсатилади: операцион ва молиявий.

II БОБ. РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг операциялари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари

Россия иқтисодиётида жаҳон амалиётида белгиланганидек ва шунингдек, лизинг турли белгилари бўйича таснифланса-да, қонунга биноан у молиявий ва оператив лизингларга бўлинади.

Умуман, Россияда “Лизинг ҳақида” қонун 1998 йил 5 ноябрда қабул қилинган бўлиб, унинг баъзи моддаларига 2001 ва 2004 йилларда ўзгартиришлар ва қўйимчалар киритилган. Лизинг ҳақида қабул қилинган қонуннинг моҳиятидан келиб чиқиб, мазкур қонун бевосита Солиқ кодекси билан узвий боғлиқдир.³¹

Молиявий лизингни ҳуқуқий асослари ва меъёрлари Россия Федерациясининг 1998 йил 29 октябридаги “Молиявий ижара (лизинг) ҳақида”ги «О финансовой аренде (лизинге)» Федерал қонуни ва “Фуқаролик кодекси”нинг 665 ва 666 - моддаларига асосан тартибга солинади.³² Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида лизинг операцияларининг ва унда қатнашадиган ҳўжалик субъектларининг сони бўйича чекловлар қўйилмаган.

Россияда лизинг шартномасини тузувчилар Россия Федерацияси ҳукуматининг 1996 йил 27 июндаги 752-сонли қарорида белгилаб қўйилган ва амалдаги қонунчиликка асосан тартибга солинади.

Маҳаллий ҳукумат лизинг жараёнларини миллий иқтисодиётдаги ўрнини ва аҳамиятини оширишда инвестициялар сифатида фойдаланишни ва лизинг шартномалари асосида илғор технологиялар ва асбоб-ускуналарни

³¹ Иванов А. А. Договор финансовой аренды (лизинга): Учебно-практ. пособие. М.: Проспект, 2001.

³² Егоров А. В. Лизинг: аренда или финансирование? // Вестник ВАС РФ. 2012. № 3. С. 36-60.

жалб қилиш йўли билан иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари ичида Россияда молия бозорида рақобатчиликни янада ошириш ва инвестицияларни жалб қилишдаги янги шарт-шароитларни вужудга келтиришда ҳамда тадбиркорликни молиялаштиришда муҳим омил сифатида эътибор берилмоқда.

1998 йилда Россия Федерацияси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан мамлакатда фаолият кўрсатаётган жами 500 та компанияларга лизинг фаолиятини олиб бориши учун рухсат (лицензия) берилди. Лизинг билан шуғулланаётган лизинг компаияларнинг деярли 60 фоизи пойтахт Москва ва марказий ҳудудларда жойлашган.³³

Ҳар бир лизинг компаниянинг иш фаолияти ва уларнинг хорижий мамлакатлар билан тузаётган халқаро шартномаларини ва уларнинг ижроларини Рослизинг бевосита ўз назоратига олган. Рослизинг уюшмаси 1994 йилда ҳукумат ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб ушбу ташкилот расман “Россия лизинг компанияларининг уюшмаси” деб аталади. Мазкур уюшма мамлакатдаги энг йирик 50 та лизинг компаияларни ўз ичига олган бўлиб, 1995-1996 йилда асбоб-ускуналарни лизингга бериш бўйича 630 млн.АҚШ доллари миқдоридаги шартномларни имзолади.³⁴

Рослизинг уюшмасининг маълумотига кўра, уюшма томонидан лизингга берилаётган асбоб-ускуна, техника ва бошқа турдаги мулкларни лизингга бериш фаолиятларини умумлаштирганда 1996 йилда Россия бўйича жалб қилинаётган жами инвестицияларнинг 5 фоизини ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1 фоизгача камайди.³⁵ Албатта, мазкур кўрсаткичнинг жами инвестиция улушида камайиши лизинг фаолиятининг тўхтаб қолишида эмас, балки инвестицияларнинг жалб қилинишида турли халқаро молия ташкилотларнинг ролини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

³³ Громов С. А. Определение финансового результата лизинговой операции при досрочном расторжении договора лизинга // Вестник ВАС РФ. 2011. № 3. С. 6-27.

³⁴ Громов С. А. Определение финансового результата лизинговой операции при досрочном расторжении договора лизинга // Вестник ВАС РФ. 2011. № 3. С. 6-27.

³⁵ Егоров А. В. Лизинг: аренда или финансирование? // Вестник ВАС РФ. 2012. № 3. С. 36-60.

Агарда ушбу кўрсаткични лизинг фаолияти ривожланган Япония мамлакати билан таққослаб кўрсак, Японияда ускуналарни лизингга бериш инвестицияларнинг умумий ҳажмида 9,1 фоизни эгаллайди ³⁶.

Россиянинг иқтисодий ҳудудларида лизинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилишда унинг ролини ошириш учун Россия Федерацияси (кейинги матнларда РФ) ҳукумати томонидан қабул қилинган 2 та қарори муҳим аҳамият касб этди. Биринчиси: 1995 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган 1133-сонли “Лизинг фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” қарори бўлса, иккинчиси: 1996 йил июн ойида қабул қилинган 752-сонли “Лизинг битимларини такомиллаштириш ҳақида” қарорлари мамлакат бўйича лизинг фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Мазкур иккала қарорлар ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, Россия лизинг компанияларининг уюшмаси таркибидаги барча лизинг компанияларнинг иш жараёнларида норматив ҳужатларни бир тизимга келтирилиши ва лизинг фаолиятини янада ривожлантиришда турли шарт-шароитлар яратиб берилиши ўз вақтида қабул қилинган муҳим қарорлар сифатида Россия иқтисодиёти тарихидан жой олди. ³⁷

Россия миллий иқтисодиётига сармоя жалб қилишда лизинг операцияларидан оқилона фойдаланиш мақсадида маҳаллий ҳудудларда бир қатор тадбирлар ўтказилиши анъана тусига кириб бормоқда. 2002 йилда Новосибирск “МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЛИЗИНГ ШАКЛИ” мавзусида Минтақавий конференция ўтказилди ва мазкур мавзудаги Минтақавий конференция 2002 йилдан буён ҳар йили россиянинг турли ҳудудларида ташкил қилиниб ўткалиб келинмоқда. ³⁸

³⁶ Газман В.Д. Финансовый лизинг. - М.: ГУ ВШЭ, 2005. - С. 254 - 255.

³⁷ Газман В. Д. Лизинг и факторинг: Учебное пособие. М.: ГУ ВШЭ, 2008.

³⁸ Пискун П.Н. Международный лизинг в России - проблемы и перспективы. // Банковское дело. - Москва, 2008. - №6. - С.51-54.

Ушбу ўтказилиб келинаётган конференцияда асосий кўриладиган ва мулоқот қилинадиган мавзуларнинг лизингдан фойдаланиш усуллари, муаммолар ва истикболлари борасида турли мушоҳадалар қилиниб, конференция катнашчилари лизинг борасидаги амалдаги қонунчиликка турли таклиф ва мулоҳазаларини ҳукуматга такдим қилиниши одат тусига айланди.

Инвестицияларни молиялаштиришда лизингдан самарли фойдаланиш усули тадбиркорлик фаолиятида ва айнан кичик бизнес фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам, Россия иқтисодиётида кичик бизнес соҳасини молиялаштиришда лизинг энг асосий воситани бажариб миллий иқтисодиётни ривожда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Россияда нашр қилинган адабиётларда лизинг тўловларини ҳисоблашнинг жуда кўп услубиятлари такдим этилган ва лизинг тўловларини ҳисоблашнинг кенг тарқалган усуллари рўйхатини кўриб чиқамиз:

- Лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблаш услубияти ва улар тўловининг жадвалини тузиш³⁹;

- РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва молиявий лизинг бўйича тўловларни ҳисоблаш учун мўлжалланган лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар⁴⁰;

- Лизинг тўловларини ҳисоблаш услубияти⁴¹;

- Инвестиция фаолиятида лизинг операциялари бўйича тўловлар услубиятини такомиллаштириш⁴².

- Лизинг тўловлари миқдорини белгилаш усуллари⁴³.

Инвестиция фаолиятида лизинг тўловларини ҳисоблашнинг юқорида қайд этилган услубиятлари моҳиятига қисқача таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

³⁹ Чекмарева Е.Н. Лизинговый бизнес. – М.: «Экономика», 1993.

⁴⁰ Методические рекомендации по расчету лизинговых платежей. Утверждены Министерством экономики Российской Федерации 16 апреля 1996 г.

⁴¹ Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. – М.: «Ось-89», 1996.

⁴² Карп М.В. и др. Финансовый лизинг на предприятии. – М.: ЮНИТИ, 1998 г.

⁴³ Горемыкин В.А. Основы технологии лизинговых операций. – М.: «Инфра - М», 2000.

Россиялик олим Е. Чекмарева ўзининг «Лизинг бизнеси» китобида лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятини биринчилардан бўлиб чоп этган (1993 йил). Услубият лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблашни амалга ошириш ва улар тўлови жадвалини тузиш учун мўлжалланган. Бу рисолади лизинг тўловлари амортизация ажратмалари, фойдаланиладиган захиралар учун тўлов, комиссия тўловлари ва лизингга берувчининг қўшимча хизматлари учун тўловлардан иборат бўлади деб таъкидланган.

Бироқ охириги йилларда Е. Чекмареванинг услубияти ўз долзарблигини биров йўқотган, чунки у ижарага олувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги ўзаро бозор муносабатларини акс эттирмайди. Содда қилиб айтганда, Е. Чекмарева услубиятида ижарага олувчининг манфаатлари инобатга олинмайди. Услубият фақат лизингни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича лизинг компаниясининг харажатларини жамлаш ва унинг устама ҳақи (маржа)ни назарда тутди, холос. Лизинг компаниясининг маржаси қандай қилиб белгиланиши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилмаган.

Ҳозирги пайтда амалиётда кўпчилик ҳолатларда лизинг қийматини ҳисоблашнинг ва лизинг тўловлари миқдорини белгилашнинг бошқа усуллари қўлланилмоқда. Бироқ, лизинг тўловлари миқдорини белгилашда, Е. Чекмарева услубиятидагидек каби ёндашиш, РФ Иқтисодиёт вазирлигининг услубий тавсиялари учун асос бўлиб қолди.

РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича ишлаб чиқилган ва молиявий лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича мўлжалланган услубий тавсиялар Е.Чекмарева томонидан тавсия қилинган лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятига ўхшаш, лекин ҳисоблашнинг бошқа алгоритмини, айнан: лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблаш йиллар бўйича амалга оширилишини назарда тутди.

Россия Федерацияси Иқтисодиёт вазирлигининг услубий тавсиялари ҳаммага маълум. Улар лизинг тўловлари лизингга берувчи харажатларининг калькуляцияси асосида ҳисобланишини назарда тутди. Бироқ, лизинг ижарага олувчи учун мақбул эканлиги, олдингидек, инобатга олинмайди.

Услугият Россия иқтисодий шароитларини ва лизинг иштирокчиларининг манфаатларини мос бўлмаган ҳолда акс эттиради. Эскирган ва тез-тез танқид қилинадиган Россия амалиёти, афсуски, ҳозирги кунга қадар янги ишланмалар учу насос бўлиб қолмоқда. Гап лизингда нарх – наво белгиланишининг бошқача усуллари ҳақида юритилиши ва бошланишида ҳам эмас. Лизинг тўловларини ҳисоблашга ёндашиш юзасидан Иқтисодиёт вазирлиги мутахассислари томонидан баён этилган «такомиллаштириш бўйича таклифлар» кўриб чиқилмоқда, холос.

Инвестиция фаолиятида лизинг операциялари бўйича таклиф этилган тўловларни такомиллаштириш услубиятларининг келажаги бор деб қаралади. Бироқ лизинг тўловларига тезлаштирилган амортизация суммаси бўйича тузатишлар киритиш лизинг тўловларининг умумий суммаси фақат дискотлаш тамойили нуқтаи назаридан ўзгаришига олиб келади (Ушбу тезис кейинчалик ёритилади). Шу билан бир қаторда, лизинг тўловлари миқдорига баҳо беришда дискотлаш тамойилини қўллаш лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тавсия этилган услубий тавсияларда ҳам, такомиллаштиришнинг ўзида ҳам назарда тутилмаган.

РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган Россияда анъанавий ёндашиш лизинг бўйича ҳақни ҳисоблаш учу насос каби қаралади, бироқ инвестиция таҳлили нуқтаи назаридан у ҳар хил пайтдаги тўловлар бир хил қийматга эга бўлганга ўхшаш муҳим камчилка эга. Шунинг учун гиперинфляция шароитларида лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятининг муаллифлари бир қанча фаразлар билан анъанавий ёндашишдан фойдаланган ҳолда фақатгина лизингнинг дастлабки қийматини аниқлаш мумкин деб ҳисоблайдилар. Умуман эса қуйидагиларни назарда тутмоқ лозим:

- фақатгина барқарор иқтисодиёт шароитларидагина лизингнинг дастлабки қийматини унинг умумий қийматига яқинлашган деб ҳисоблаш мумкин;

- агар кредит учун тўлов миқдорига ва лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган коммиссион ҳақиға лизингнинг дастлабки қийматини ташкил

этувчи таркибий қисмлар каби қаралган тақдирда, лизингга берувчи ва лизингга олувчи манфаатларига тенг бўлган тегишли қатъий баҳо белгиланиши лозим.

Хўш, Россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг операцияларининг қандай афзалликлари мавжуд? Албатта, лизинг фаолияти ривожланиб борган сари унинг иқтисодий самарадорлиги ҳам ривожланиб боради. Маълумки, иқтисодий самарадорлик тушунчаси қуйидаги мантикий боғлиқлик орқали аниқланади⁴⁴:

Лизингнинг иқтисодий самарадорлиги деганда, лизинг битими субъектларининг ускунани бошқа усуллар (банк кредитлари) орқали олиш билан таққосланган, лизинг ёрдамида қўлга киритишида келадиган нафи (тежамлар, фойдалар) тушунилади.

Фаолиятнинг ҳуқуқий соҳасига таалуқли активга эгалик қилиш ҳуқуқи ва ушба активдан фойдаланиш ҳуқуқини ажратиш асосида тузилган лизинг операцияси фаолиятнинг иқтисодий шакли каби ўзида кредит, ижара ва инвестиция элементларини мужассам қилади. Лизинг молиялаштиришнинг бошқа шаклларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга деб ҳисобланади. Қуйида лизинг муносабатлари иштирокчиларининг субъектлари олиши мумкин бўлган ва россиянинг иқтисодий адабиётларида келтирилган ва кўзга ташланадиган афзалликларни келтирамыз.

Лизингнинг лизингга берувчилар учун афзалликлари:

- лизинг 100 – фоизли молиялаштиришни назарда тутати ва барча сумма тез қайтарилишини талаб қилмайди;
- лизинг лизингга берувчининг молиялаштириладиган активларга бўлган эҳтиёжига аниқ мувофиқ бўлган ҳолда молиялаштиришни таъминлайди. Бу нуфузли компаниялар оладиган қарз ёки қайтадан кредитланиш йўли билан қулай ва эгилувчан молиялаштиришни умуман қўллай олмайдиган майда кредит олувчилар учун айниқса қулай

⁴⁴ Фальцман В.К. Оценка инвестиционных проектов и предприятий. – М.: ТЕИС, 1999 г. С. 56.

ҳисобланади. Лизинг келишуви ижарага олувчиларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши мумкин;

- кўпчилик лизингга олувчилар амалга ошириш мобайнида молиявий имкониятлари аҳамиятли даражада чекланган узок муддатли молиявий режаларга эга. Лизинг бундай чекловларни босиб ўтишга имконият яратади ва натижада инвестиция ва молиявий режалаштиришда кўпроқ тезкорлик билан иш юритишга ёрдам беради;

- лизингда активларни сотиб олиш ва молиялаштириш масалалари бир вақтнинг ўзида ҳал этилади;

- лизинг ёрдамида активларни сотиб олиш «молиялаштиришнинг олтин коидаси»ни бажаради, унга мувофиқ молиялаштириш активдан бутун фойдаланиш муддати давомида амалга оширилиши лозим. Агар активни сотиб олишда кредит капиталидан фойдаланилса, одатда, активни ишлатиш муддатига қараганда қарзни тезроқ қоплаш талаб қилинади;

- лизинг тўловлари аниқ белгиланган жадвал бўйича амалга оширилиши муносаби билан лизингга олувчи капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича харажатларни ва маҳсулот сотилишидан ва кўрсатилган хизматлардан тушумларни мувофиқлаштиришга кўпроқ имкониятга эга бўлади ва шу йўл билан ускуна сотиб олишга қараганда молиявий режалар кўпроқ барқарорлигини таъминлайди;

- лизингга берувчининг мулки ҳисобланган лизинг ашёси инвестицияланган маблағлар қайтарилишининг бир қисми ҳисобланганлигини инобатга олган ҳолда ушбу активларни сотиб олиш учун муқобил ссуда олишга қараганда лизинг бўйича контракт тузиш анча осонроқ;

- лизингга олувчи лизингдан фойдаланилганида ҳуди ушбу активни сотиб олганига қараганда кўпроқ ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши мумкин. Лизингга олувчи вақтинчалик бўшаган молиявий захираларни бошқа мақсадлар учун ишлатиши мумкин;

- лизинг узоқ муддатда ишлаб чиқариш маҳсулотини сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилиши муносабати билан, одатда давлат сиёсати лизинг операцияларини рағбатлантириш ва кенгайтиришга қаратилган;

- лизингга олувчининг даромадлилиги кам бўлган ҳолатда у фойдани имтиёзли солиққа тортилишини олиш имкониятини яратувчи қайтариладиган лизингдан фойдаланиши мумкин;

- контракт охирида лизинг ашёсининг юқори тугатилиш қийматини олиш имконияти кўпчилик ҳолатларда лизингга олувчилар томонидан лизингни қабул қилиш учун ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Лизинг компаниялари учун лизингнинг афзалликлари:

- лизингга бериладиган мол – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи аҳамиятли солиқ имтиёзларини тақдим этади. Юқори солиққа тортиладиган фойдага эга компаниялар мол – мулкни сотиб олиш учун кредит бўйича фоизга қараганда лизинг тўловларининг пастроқ ставкалари орқали имтиёзли солиққа тортиш тартибига эга лизингга олувчилардан солиқ имтиёзларининг бир қисмини олиб қўймайди;

- лизингга бериладиган мол – мулк лизингга берувчининг мулки бўлиб қолиши муносабати билан, у ушбу мол – мулкдан ноишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиши мумкин (масалан, кредит маблағлари қайтарилишининг қўшимча таъминоти сифатида);

- лизингга берувчи томонидан сотувчига лизинг ашёсини сотишда ёрдам бериш. Ушбу келишувларга мувофиқ сотувчи лизингга берувчи номидан лизинг ёрдамида ўз маҳсулоти етказиб берилишини молиялаштиришни мижозларга таклиф этади;

- мол – мулк шаклидаги инвестициялар, пул кредитдан фарқли равишда, маблағлар қайтарилмаслик таваккалчилигини пасайтиради, чунки лизингга берувчи лизингга берилган мол – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади;

- лизинг операциясини тайёрлашда ва ўтказишда лизингга берувчи асосий ўрин тутди. Ушбу хизматларнинг қиймати лизингга берувчининг воситачилик ққққққ кам бўлмаган улушини ташкил этади;

- лизингга берувчи лизингга берилган мол – мулкни гаровга қўйиб ёки лизинг тўловлари талаб қилинишини бошқага ўтказиб ўз фаолиятини давом эттириш ва кенгайтириш учун қўшимча молиявий захиралар излаб топиш имкониятига эга бўлади;

- лизинг молиявий захираларни бевосита моддий активларни сотиб олиш учун йўналтиради ва шу йўсинда қарз маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш муаммосини ҳал этади.

Ишлаб чиқариш ускуналарига лизинг орқали инвестициялар лизинг бўйича мажбуриятларни қоплайдиган даромад вужудга келишини кафолатлайди.

Лизинг мол – мулки сотувчиси учун лизингнинг афзалликлари:

- лизинг объектининг сотувчиси ўз маҳсулотини сотиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади;

- сотувчи учун битим камроқ таваккалчиликка эга бўлади, чунки лизингга берувчи мол – мулк қийматини қайтариш таваккалчилигини лизинг тўловлари орқали ўз зиммасига олади.

Давлат учун асосий афзалликлар:

Ҳозирги пайтда вужудга келган иқтисодий шароитда ва инвестиция фаоллигини жонлаштиришга кескин эҳтиёж пайдо бўлганлигида лизингни ривожлантириш давлат учун алоҳида долзарб масала бўлиб қолди;

- ушбу молиявий қурол инвестиция фаолияти учун молиявий маблағларни жалб этиш учун қўмаклашади;

- ўзининг механизми орқали ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш мақсадида инвестиция ресурсларидан кафолатли фойдаланишни таъминлайди;

- давлат, лизинг фаолиятини рағбатлантириб ва бунинг учун, масалан, солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, инвестицияларни молиялаштиришга

бюджет ажратмаларини аҳамиятли камайтириши, уларнинг тармоқ тизимини такомиллаштириш жараёнини самарали бошқариш, товар ишлаб чиқарилиши ва хизмат соҳаси ривожланишига, экспорт имкониятлари ошишига, хусусий капитал чет элга чиқарилишини камайтиришга, қўшимча иш жойлари, айниқса кичик тадбиркорлик соҳасида, барпо этилишига, бошқа долзарб ижтимоий – иқтисодий масалалар ҳал этилишига қўмаклашиши мумкин.

Лизинг лизингга олувчига бир қатор камчиликларни келтириши мумкин:

- агар илмий – техникавий тараққиёт лизинг мол – мулкни эскиришга олиб келган тақдирда ҳам лизинг тўловлари контракт тугагунга қадар тўхтатилмайди;

- лизингга олувчи лизинг объектининг қолдиқ қиймати оширилишидан наф кўрмайди.

Бизнинг фикримизча, лизингнинг турган афзалликлари ва камчиликларини оддий қилиб санаб ўтиш у (лизинг) инвестицияларнинг самарали шакли бўлиши мумкин деб фараз қилиш учун етарлидир.

Россияда ҳозирги пайтгача лизинг хизматлари шаклланмаганлиги ва амалиётда лизинг объектларига сифатли техник хизматни таъминловчи лизинг компаниялари мавжуд эмаслиги муносабати билан, соф лизинг лизингнинг энг тарқалган тури ҳисобланади. Соф лизинг (net leasing) – лизингга олувчи мол – мулкнинг барча хизматларини ўз зиммасига оладиган лизингдир. Шунинг учун бу ҳолатда ускунага хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар лизинг тўловларига киритилмайди. Соф лизинг юзасидан лизинг бизнеси билан шуғулланадиган банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молиявий компаниялар иштирок этади.

2.2. Ўзбекистонда лизингни ривожланиш босқичлари ва Россиянинг инвестицияларни молиялаштиришда лизинг тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари

Мамлакатимиз лизинг бозоридаги операцияларининг ривожланиши 1993 йилдан бошланган бўлиб, бу пайтда собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин юз берган иқтисодий инқироз шароитларида республикадаги молиявий имкониятлар заифлашиб, иқтисодий шароитларнинг ўзи эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлай олмас эди. Шу оғир даврда республикамиз учун янги бўлган хўжалик юритиш шакллари, хусусан лизинг хизматлари пайдо бўлди. Бу тасодикий ҳол эмас, чунки лизинг - ғоятда зарур капитал қўйилмаларни жалб қилишнинг потенциал самарали усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, лизингни амалга ошириш пайтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш ва уни такомиллаштиришда 1999 йилнинг 14 апрелидаги 756-І сонли Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топган. Лизинг хизматлари 1993 йилдан бошланган бўлса, лизинг фаолияти билан бевосита ташкил қилинган маҳаллий лизинг компаниялари томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда ушбу фаолият тури билан бевосита тижорат банклар ҳам шуғулланмоқдалар.

Дастлаб молиявий лизинг хизматларидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” “Миллий авиакомпанияси” ўз парклари ва “Boeing” аэрокосмик корпорацияси пассажир лайнерларини янгилашда молиявий лизингдан фойдаланишни мақбул ҳисоблашган.

Энг биринчи лизинг компанияси 1995 йилда ташкил топган бўлиб, унинг номи - “Ўзбеклизингинтернейшнл” компаниясидир. Тижорат банклари томонидан эса лизинг операциялари, дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил 29 мартдаги 327-сонли “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш

Тартиби” га муофиқ амалга оширилган ва 1999 йил 14 апрелда “Лизинг тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.⁴⁵

Тижорат банкларининг лизинг кредитларини беришига сабаб ушбу хизмат турининг кредитлаш шакли сифатида қулайлиги ва алоҳида хусусиятларга эга эканлиги бўлиб ҳисобланади.

Лизинг тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳанинг мустахкам ҳуқуқий асоси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Лизинг тўғрисидаги илмий қарашлар ва амалий муаммолар бир қатор мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганиб чиқилган. Ҳозирдаги юзага келаётган муаммо бу лизинг кредитлари рискларининг юқори даражали эканлигидир. Бунга сабаб мавжуд инфратузилмадаги камчиликлар, кадрларнинг етарли даражада тайёр эмаслиги, иқтисодий беқарорликлар ва бошқа бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Лизинг хизматлари бозорини янада кенгайтиришда кўпгина масалаларга эътибор қаратиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Чунончи, буларга фоиз ставкалари бўйича, лизинг инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича ва бошқа масалаларни киритишимиз мумкин. Лизинг кредитлари фойда олиш нуқтаи назаридан бошқа кредитларга нисбатан самаралироқ бўлиши лозим. Марказий банкнинг қайта молиялаштиришдаги ўзгарувчан ставкасини пасайтириш ҳисобига лизинг ставкаларини камайтиришга эришиш мумкин. Бундан ташқари, лизинг инфратузилмасини бутун республика ҳудудида бир маромда кенгайтириш мақсадга муофиқдир. Молиявий ресурслар билан таъминлаб турувчи махсус фондларнинг ташкил этилиши эса лизинг компанияларини қўллаб қувватлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда лизинг операциялари асосий фондларни янгилашда асосий фондларга қилинган тўғридан тўғри инвестициялар умумий ҳажмида учинчи ўринда туради, ЯИМдаги унинг улуши 5,0 – 10,0 фоизни ташкил этади. 2010 йил якунларига кўра, республикаимизда лизинг

⁴⁵ "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2004 й., N 4, 42-модда.


операцияларининг асосий фондларга инвестициялар таркибидаги улуши 2,8 фоизни, ЯИМ даги улуши эса 0,7 фоизни ташкил этади.

2011 йилда лизинг операцияларининг асосий сармояга эга инвестициялардаги қиёсий салмоғи 2,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич молиявий хизматлар соҳасида эса 13,8 фоизга тенг бўлди. 2011 йил давомида қиймати 484 млрд. сўмдан ортиқ 6 мингтадан зиёд битимлар имзоланди. Бунда лизинг операцияларининг умумий портфели 1,25 трлн. сўмдан ошиб кетди. Лизинг хизматларининг ҳажми эса 2010 йилга нисбатан 10 фоизга ўсди.

Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда лизинг хизматлари бозори ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш жараёни бошланиб кетди. Лизинг муносабатлари ҳам ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтди. Лизинг хизматларини кўрсатиш бўйича кенг имкониятлар яратилиб, мавжуд шарт-шароитлар янада яхшиланди. Қуйидаги 2.1-чизмада биз лизинг муносабатларининг мамлакатимизда босиб ўтган ривожланиш босқичларини кўриб чиқишимиз мумкин.

2.1-чизма

Ўзбекистонда лизингни ривожланиш босқичлари



Демак, *1-босқич: 1991-1999 йиллар.* Халқаро механизмларнинг қўллаб-қувватланиши ва лизинг қонуний асосининг шаклланиши. Бу йиллар давомида иқтисодий ислохотларнинг изчил ўтказилиши натижасида лизинг

муносабатларининг илк ривожланиш даврини босиб ўтди, йирик лизинг компанияларига асос солинди. Марказий банк томонидан тижорат банкларига лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби жорий қилинди.

2-босқич :1999-2005 йиллар. Лизинг соҳасида ҳуқуқий базанинг яратилиши ва лизинг бозорининг барқарорлашуви. Лизинг тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, лизинг бозорида лизинг операциялари билан шуғулланувчи банкларнинг сонининг кескин ошиши, лизинг фаолияти тўғрисида бир қатор президент фармонларининг эълон қилиниши, халқаро молиявий институтлар билан шартномалар тузилиши (Халқаро молия корпорацияси ва Европа Тараққиёт ва тикланиш банки,2002йил) .

3-босқич: 2005-2011йиллар. Лизинг бозорида рақобат муҳитининг шаклланиши ва лизинг муносабатларининг кенгайиши. 2005 йил лизинг берувчилар сони 28 та бўлган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 84 тага етди. Шу рақамларнинг ўзидан кўриниб турибдики, лизинг бозорида чинакам рақобат муҳити юзага келди. Айниқса, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун давлатимиз томонидан кўпгина имтиёзлар берилди.

Лизингнинг қарор топишида тижорат банклар тармоғининг ривожлантирилиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шу даврдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида лизинг фаолиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Лизинг компанияларининг сони кўпайиб, уларнинг фаолият соҳаси ҳам кенгайиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолиятини инвестициялашнинг ўзига хос шакли бўлган ушбу механизмнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Ҳукумати лизинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилди.


Россияда лизинг фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ташқи муҳит таъсирига ташкилий ўзгаришлар билан жавоб бериш лозим бўлади. Ўзгаришларнинг чуқурлигига қараб қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

1) компаниянинг таркибий қайта ташкил этиш, йўналишини ўзгартириш ёки қадриятларни қайта баҳолаш ва диверсификациялаш.

2) бозорни ва лизинг компаниясининг бозор имкониятларини ўрганиш. Бозорни комплекс ўрганиш натижасида бозор ҳолати ривожланишини илмий асосланишига ҳамда компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида маркетинг чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Лизинг хизматлари бозорини лизинг берувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишнинг асосий йўналишлари қуйидаги 2.2-расмда келтирилган.

2.2-расм

Лизинг хизматлари бозорини ўрганишнинг асосий йўналишлари



Демак, бозорни ўрганиш жараёнида истеъмолчига таклиф қилинаётган товарни ўрганишга катта эътибор берилади. Товарни ўрганиш қуйидаги масалаларни тадқиқ этишни кўзда тутди:

- товарнинг янгилиги, сифати ва рақобатбардошлиги;
- потенциал харидорларнинг эҳтиёжларини қондира олиш қобилияти;
- маҳаллий қонунчилик талабларига, бозорда қарор топган қоида ва одатларга мос келиши.

Бизнинг фикримизча, лизинг компанияларида товарни ўрганиш жараёни бирмунча бошқачароқ кечади. Бу иш катта ахборот ресурсларини талаб қилади, яъни бевосита ҳар бир лизинг компаниясида у ёки бу товарни ишлаб чиқарувчилар тўғрисида маълумотлар базаси мавжуд бўлиши керак, чунки потенциал лизинг олувчилар учун техник ва нарх тавсифлари бўйича энг мақбул товарни аниқлашда шу база зарур бўлади. Одатда, лизинг олувчи товарни лизинг шартларида асосида сотиб олишда ишлаб чиқарувчини ўзи танлаши ҳам мумкин.

Бозорни комплекс ўрганишнинг кейинги йўналиши потенциал мижозларни ўрганиб, улар орасидан лизинг берувчига энг кўп фойда келтирадиган истеъмолчилар гуруҳларини аниқлашдан иборат. Лизинг бозорини ўрганиш эса уни сегментлашни ва энг афзал сегментларни аниқлашни назар тутди. Бунда потенциал мижозларнинг хусусиятлари ҳам эътиборга олинади, жумладан:

- уларнинг лизинг хизматларига бўлган эҳтиёжлари;
- географик ва ижтимоий-иқтисодий тоифалари;
- истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти;
- мижозларни лизинг хизматидан фойдаланиш мақсадида уларга реклама ва бошқа воситалар ёрдамида таъсир кўрсатиш имконияти;
- мижозларни компанияга жалб қилиш қиймати;
- лизинг компанияларининг рақобатбардошлиги ва рақобатчиларнинг кутилаётган ҳатти-ҳаракатлари.

Россияда лизинг тўловларини амалга ошириш, лизинг тўловлари миқдорини ҳисоблаш лизингнинг тури, тўлов шакли ва тўловлар усуллари, шунингдек, иқтисодиёт ўз вазифасини бажараётган шароитларга қараб турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Россияда лизинг бозорини тавсифловчи асосий кўрсаткичларидан бири уни амалга оширувчи компаниялар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг ихтисослашувидир яъни баъзи компаниялар таъмирлаш, хизмат кўрсатиш ва суғурталаш, тўланаётган солиқ миқдорини назорат қилиш,

бухгалтерия ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлари кўрсатишни ўз зиммасига олса, бошқа бири фақатгина молиялаштиришни амалга оширади.

Иккинчи муҳим кўрсаткич лизинг компанияларининг ташкил этилишидир. Уларни ташкил қилиш нуқтаи назаридан тўрт туркумга ажратиш мумкин: банклар ёки башқа молия ташкилотлари шуъба компаниялари, бирлашган компаниялар кўринишидаги ташкилотлар, мустақил ва ихтисослашган компаниялар.

Лизинг корхоналарини молиявий ташкилотларнинг шуъба компанияси сифатида ташкил этиш аксарият давлатларда кенг тарқалган тажрибадир. Лизинг солиқ имтиёзларига эга бўлганлиги учун оддий кредитга нисбатан қулайликка эга. Шу боис у орқали оддий кредитга нисбатан талаб пасайган вақтда ҳам банк активлиги умумий даражасини ушлаб туриш имкониятини яратади.


Лизинг кредитларининг афзаллик томонлари шундан иборатки, бунда лизинг объектини олиш учун етарли миқдорда кредит берилиб, гаров сифатида лизинг объектининг ўзи олинади, лизинг олувчи ўз корхонаси асбоб ускуналарини янгилаб олишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида, саноат рақобатбардошлигини оширади, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам беради, хусусий ва нодавлат инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш учун қулай шароит яратади, кичик бизнесни ривожлантиради, капитал қўйилмаларнинг ҳажмини оширади, молиявий хизматлар бозорини кенгайтириб, қўшимча рақобат ҳосил қилади, иқтисодиётимизни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Чунки, махсулотларнинг рақобатбардош бўлиши унинг сифатига боғлиқ, сифатли махсулот ишлаб чиқариш учун эса замонавий ва янги асбоб ускуналар билан таъминланиши лозим, натижада маҳаллий ишлаб

чиқарувчиларнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавкега эга бўлиш имконини беради.

2.1-диаграмма

Жаҳон мамлакатларининг ЯИМда да лизингни улуши (фоизда)



Манба: Leaseurope Leasing Market 2011

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда жалб қилинаётган инвестицияларнинг 25-30 фоизи лизинг операцияларига тўғри келади. Асосий фондларни янгилашда лизинг учинчи ўринни эгаллайди. ЯИМ да эса лизинг операцияларининг улуши 5,0-10,0 фоизни ташкил этади.

Юқоридаги 3.1-диаграммадан кўриниб турибди-ки, Ўзбекистонда ҳам лизинг инфратузилмаси яхши ривожланган. Хаттоки, мамлакатимиз лизингнинг ЯИМ даги улуши бўйича ривожланган мамлакатлар АҚШ ва Япониянинг орасида турибди. Бу эса республикамизнинг дунё лизинг амалиётида ўзининг алоҳида ўринга эга эканлигидан dalolat бермоқда. Айни пайтда мамлакатимизда лизинг фаолиятида асосий улушни қишлоқ хўжалиги техникаларининг лизингга берилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Диққатга сазовор жихатлардан бири шуки, ушбу техникаларнинг асосий улуши республикамизда ишлаб чиқарилаётганлигидир. Ўз навбатида бу лизингга қилинадиган харажатлар миқдорини салмоқли жиҳатидан

камайтиради. Республикамиз лизинг бозори кўрсаткичларига назар ташласак, лизинг компаниялари салмоғи каттали кўринади.

Банклар томонидан лизинг операциялари билан шуғулланиш айнан 2003 йил янги ривожланиш босқичига чиқди, десак муболаға бўлмайди. 2003 йилда 10 та тижорат банклари 6,7 млн.АҚШ доллари миқдорида лизинг кредитлари берган бўлсалар, 2010 йилга келиб, тижорат банклари томонидан лизингга берилган мулклар қиймати салкам 200 млн.АҚШ доллариغا етди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 100 га яқин лизинг берувчи ташкилотлар фаолият юритмокда, 21 та банк лизинг кредитлари беради ва фоиз ҳисобида эса 32,9 фоизи тижорат банклари улушига тўғри келади. 2011 йил якунларига кўра, лизинг хизматларининг ҳажми 2010 йилга нисбатан 10 фоизга ўсган. 2011 йилда банклар орасида лизинг операцияларининг ҳажми бўйича 32,7 млрд. сўмлик битимлар портфелига эга ”Микрокредитбанк ” ОАТБ етакчи бўлди. Иккинчи ўринни, 27,3 млрд. сўмлик битимлар портфелига эга “Алоқабанк” ОАТБ эгаллади. Учинчи ўринни эса, 25,8млрд. сўмлик битимлар портфелига эга “Асака” ДАТБ турибди.


2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 28 январдаги ПҚ -1050 сонли Қарорига асосан ишлаб чиқариш корхоналарига лизинг хизматлари кўрсатилмаган. Маълумотларга асосан, охириги беш йил ичида ”Микрокредитбанк ” ОАТБ лизинг бозорида энг юқори кўрсаткичларга эришган. Ушбу банк кўрсатилаётган микролизинг хизматлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар учун қулай бўлиб, фоиз ставкаси йилига 5% ни ташкил қилади.

Лизинг хизматлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган молиявий барқарор хўжалик юритувчи субъектларга лизинг мол-мулкани сотиб олиш учун банк томонидан сармояланган маблағларнинг тўланиши, муддатлилиги, таъминланганлиги ва қайтарилиши шартлари асосида тақдим этилади. Ўз

фаолиятини зарар билан юритаётган ҳамда ноликвид балансга эга бўлган юридик шахсларга лизинг хизматлари кўрсатиш тақиқланади.

2.2-диаграмма

Мамлакатимиз бўйича лизинг кредитлари портфелининг динамикаси, млн.сўм




Манба: www.ula.uz

Ушбу 2.2-диаграммадан кўриниб турибдики, лизинг кредитлари портфели ўсиш тенденциясига эга. 2003 йилда лизинг кредитлари портфели 37 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб 818 млн.сўмни ташкил этган. Демак, бу кўрсаткич беш йил ичида 121,8 фоизга ошган. 2011 йил якунларига кўра эса, лизинг операцияларининг умумий портфели 1,25 трлн. сўмдан ошиб кетди. Жорий 2012 йилда лизинг операцияларининг портфели 1.44 трлн.сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Лизингга берилган мулклар ичида энг кўп хиссани техник жихозлар ташкил этади (29,7%). Иккинчи ўринда агросаноат жихозлари (28,6%), учинчи ўринда эса, транспорт воситалари (26,9%) лизингга берилган.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам “Инқирозга қарши чора –тадбирлар” дастурида корхоналарни модернизация қилишда лизинг муносабатларининг алоҳида ўрни хусусида тухталиб ўтганлар. Ҳозирги кун талабларидан келиб

чиққан ҳолда, лизинг муносабатларининг янада ривожланиши ва лизинг қонунчилигини давр талаблари асосида янада ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

2.3-диаграмма 2011-2015 йилларда лизинг хизматлари ҳажми миқдори



Манба: “5-Халқароинвестицион молиявий форум” (www.ula.uz)

Юқоридаги 2.3-диаграммада Ўзбекистон Лизинг берувчилари ассоциациясининг 2011-2015 йилларда истиқболга имзоланиши режалаштирилган лизинг битимлари ҳажми келтирилган. 2011 йил давомида қиймати 484 млрд.сўмдан ортиқ лизинг битимлари имзоланган бўлса, 2015 йилга 761 млрд. сўмдан ортиқ битимлар имзоланиши режалаштирилган(4-расм). Лизинг хизматларининг ҳажми 2015 йил ўтган йилга нисбатан 57,23% га ортади. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, бериладиган лизинг кредитлари миқдори янада ортади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия- банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига

эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида ” 2010 йил 26 ноябрдаги ҳамда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида”ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ -1474 сонли қарорларида лизинг қонунчилигини янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Айни пайтда, мазкур вазифалардан келиб чиқиб, тегишли ташкилотлар ва муассасалар томонидан лизинг қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари тадбиқ қилинмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 январдаги 10-сонли "Ўзбек лизинг интернейшнл а.ж." Қўшма Лизинг компанияси фаолияти масалалари тўғрисида”ги Қарори⁴⁶ ва 2012 йил 11 июлдаги 209-сонли “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси тузилмасини ва фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги⁴⁷ қарорларини алоҳида тъкидлаш жоиз.

Лизинг компанияларининг асосий вазифаси лизинг доирасида товарларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига илғор технологияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш учун лизинг хизматларининг кенг ассортиментини таклифдан иборат.

Инвестиция асосий капитали 2008 йил якунига кўра 8,48 трлн. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиши ўтган йилга нисбатан 28,3 фоизни ташкил этди. Йил якунлари бўйича 2007 йилга нисбатан лизингнинг асосий капиталига маҳаллий манбалардаги ҳисобнинг ўсиши 3,91 фоиздан 4,15 фоизга кўпайди. Шу билан бирга лизингнинг ЯИМ улуши 0,19 га ошиши кўзатишмоқда ва бу ўсиш 0,95 фоизга етди.

⁴⁶ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 21 январь, 3-сон, 31-модда

⁴⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 28-сон, 322-модда

Лизинг ёрдамида асосий капиталга инвестициянинг киритилиши

Йиллар	Лизингга берилган мулкнинг қиймати, млн АҚШ доллар	Асосий катилатдаги инвестицияларда лизингни улуши, фоиз	Лизингнинг ЯИМдаги улуши, фоиз
2003	37,9	2,67	0,37
2004	43,4	2,37	0,36
2005	81,5	3,72	0,60
2006	107,6	4,22	0,63
2007	169,7	3,91	0,76
2008	266,2	4,15	0,95

2008 йилда лизингга берилган мулкнинг миқдори 2007 йилга нисбатан 96,5 млн. АҚШ доллариға кўпайган ва 266,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган, бу амалда лизинг операциялари ўсиб бориши тенденцияларини тасдиқламайди.

Лизингга берилаётган асосий воситалар таҳлил қилинганда кўриш мумкинки, лизинг олувчилар томонидан йўловчи авто-транспорти юқори талабга эга. Йил якунлари бўйича ушбу мулк тури бўйича операциялар ҳажми 46,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган, бу эса бозорнинг 18 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга лизингга олувчилар томонидан кўчмас мулк комплекси катта қизиқиш уйғотади. Асосий воситаларнинг ушбу тури улуши умумий миқдордаги улуш ўтган йилга нисбатан 5 фоиз ўсиш натижасида 14 фоизга етди. Аксинча йил якунлариға кўра ишлаб чиқариш жиҳозларнинг улуши 2 фоизга камайган. Ишлаб чиқариш жиҳозлари таркибида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мулжалланган жиҳозлар улуши 10 фоиздан 8 фоизга камайди, енгил саноат ускуналари улуши 4 фоиздан 3 фоизга камайди.

Ўзбекистон Республикасида 2005-2008 йилларда лизингга берилган мулклар

Лизингга берилган ускуналар	2005		2006		2007		2008	
	миқдори	Сумма (АҚШ доллари)	миқдори	Сумма (АҚШ доллари)	миқдори	Сумма (АҚШ доллари)	миқдори	Сумма (АҚШ доллари)
Енгил саноатга	4	2,2	38	5,6	91	6,4	50	6,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга	34	4,0	27	2,6	51	3,8	98	6,7
Нашриёт ва босмага	9	3,3	30	3,6	22	1,0	41	3,8
Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга	62	10,6	49	5,9	117	17,8	171	22,2
Бошқа ишлаб чиқариш ускуналари	53	2,8	5	0,2	6	0,3	3	0,7
Савдога	125	0,2	10	0,6	3	0,05	9	0,8
Тибиётга	10	0,9	27	0,9	39	1,8	35	2,0
Компьютерлар	36	1,3	28	1,0	50	0,5	31	1,2
Қишлоқ хўжалик техникаси	3422	46,1	5022	61,3	3815	61,1	3921	101,1
Юк автотранспорт воситалари	10	0,9	24	1,7	57	6,4	237	17,7
Йўловчиларни ташувчи автотранспорт воситалари	242	5,5	274	7,1	701	29,4	1027	46,6
Кучмас мулк комплекси	38	2,4	49	8,9	67	16,0	98	36,2
Бошқалар	33	1,3	47	8,2	88	25,1	249	20,4
Жами	4078	81,5	5630	107,6	5107	169,7	5970	266,2

Банклар лизинг операцияларнинг таркиби лизингга берилаётган мулкнинг турлари бўйича ўтган йилда кескин ўзгарган. Шундай қилиб йил якунларига кўра кўчмас мулк асосидаги битимлар энг катта улушга эга, яъни 35 фоиз улушни ташкил этмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жиҳозларнинг улуши 19 фоиздан 22 фоизгача ўсди. Қишлоқ хўжалик техникаси 66 фоиз, йўловчи ташиш авто-транспорти 17 фоизга тўғри келади.

Лизинг компаниялари оператциялари таркибида қишлоқ хўжалик техникасининг 2007 йилда нисбатан ўсиши кузатилмоқда 45 фоиздан 48

фоизгача, шу билан бирга юк автотранспортнинг улуши 4-7 фоизгача ўсди. Лизинг компаниялари томонидан лизингга берилган мулкнинг таркибида йўловчи автотранспорт воситалари ҳажми улушининг 28-21 фоизгача ва ишлаб чиқариш ускуналарнинг 16-12 фоизгача пасайиши кўзатилмоқда.

Лизинг операциялари бўйича тузилган шартномаларни таҳлил қилганимизда лизинг компаниялари таклиф қилаётган объектларга бўлган талаб даражаси асосида республикадаги лизинг хизматлари бозорининг асосий сегментларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бу асосан 2.2-жадвалда келтирилган тармоқлардир.

Лизинг компаниялари ушбу бозор сегментларининг ҳар бири компания учун қандай аҳамиятга эга эканлигини баҳолайдилар ва уларнинг қайси бирига асосий эътиборни ва ресурсларни қаратиш лозимлигини аниқлайдилар. Лизинг компаниялари мутахассисларининг фикрига кўра, республикада қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати, автомобил саноати, тиббиёт ва фармацевтика лизинг учун энг эътибор талаб сегментлардир. Айнан, шу соҳаларда лизинг фаолиятининг фаоллашуви кутилади.

Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш йўналишларини белгилаш лизинг бозори ривожланган давлатлар тажрибасини, хусусан Россия иқтисодиётида лизинг фаолиятини илмий таҳлиллار асосида ўрганиш, ҳулосалар ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш билан узвий боғлиқдир.

Россиянинг 10% миқдорида инвестицион солиқ имтиёзлари бериш бўйича тажрибасини республикамиз амалиётида қўллаш учун зарур бўлган шарт - шароитлар мавжуд:

1. Лизинг шартномаларининг муддати тараққий этган мамлакатлар амалиётидаги лизинг шартномалари муддатига нисбатан сезиларли даражада қисқадир. 2011 йилда республикамизда лизинг шартномаларининг ўртача муддати 2,5 йилни ташкил қилди. Тараққий этган мамлакатларда эса, лизинг шартномаларининг ўртача муддати 5 йилни ташкил қилмоқда. Бундай

шароитда инвестицион солиқ имтиёзини қўллаш Давлат бюджетига жиддий зийён етказмайди.

2. Республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ лизинг объектларига нисбатан жадаллаштирилган амортизация қўллашга рухсат этилди. Бу эса, Россия ва лизинг фаолияти ривожланган АҚШ мамлакати амалиётидаги инвестицион солиқ имтиёзлари беришнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасига мувофиқ, лизинг шартномасининг муддати тугагандан кейин лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши зарур.

Демак, юқорида таҳлил қилинган Россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг фаолияти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда лизинг бозори таркибини такомиллаштириб бориш учун қишлоқ хўжалик техникалари етказиб бериш билан бирга ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳалари учун ҳам лизинг хизмати кўрсатишни шакллантириш, лизингнинг иккиламчи бозорини ташкил қилиш ва бу борада амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар лизинги бозорини ривожлантириш лозим.

ХУЛОСА

“Лизинг МДХ мамлакатларида инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим шакли сифатида (Россия тажрибаси мисолида)” мавзуси таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни умумлаштириш мақсадга мувофиқдир.

1. Иқтисодийни модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлашда лизингнинг ўрни бекиёсдир. Лизинг тўғрисидаги назариялар ва кредитлари бериш амалиётини ўрганган ҳолда, қуйидаги хулосага келинди:

- лизинг атамасининг терминологияга кириб келиши иқтисодийда янги соҳанинг яратилишига асос бўлди;

- лизинг билан кредит ўзаро мос шартларга эгаллиги туфайли бу хизмат тури банк амалиётига кенг тадбиқ қилинди;

- тараққий этган мамлакатларда лизинг операцияларига нисбатан инвестициявий солиқ имтиёзларининг қўлланилганлиги лизинг асосида кредитлаш амалиётининг ривожланишига кучли туртки берди;

- лизингнинг афзаллик томони унда гаровнинг мавжуд эмаслигидир, лизинг объектининг ўзи гаров сифатида олинади ва лизинг объектини суғурталаш банк учун ҳам, лизинг олувчи учун ҳам фойдалидир.

2. Таҳлилларга кўра, лизингнинг қуйидаги турлари мавжуддир: бевосита лизинг, молиявий лизинг, оператив лизинг ва тезкор лизинг амалиёти мавжуддир. Бироқ, ҳозирги замонавий жаҳон ҳўжалигида, лизинг муносабатлари оддий ижара муносабатларидан инновацион лизинг операциялари даражасига кўтарилди ва амалиётда энг кўп фойдаланиладиган лизингнинг икки асосий тури ажратиб кўрсатилади: операцион ва молиявий.

3. Тадбиркорлар лизинг қиймати ссудага тенг ёки ундан паст бўлганда ундан фойдаланадилар. Лизингдан фойдаланиш солиқ имтиёзлари амал қилганда самарали бўлади. Юқорида биз лизинг инвестиция қилишнинг бир усули, деб таъкидладик. Демак, лизинг операциясини амалга оширадиган субъектларга ҳам инвестиция қилишга бериладиган имтиёзлар тизимини бериш лозим.

4. Лизинг операцияларини молиявий жиҳатдан бақувват, вақтинчалик бўш пулларга эга бўлган ёки уларга тез эриша оладиган хўжалик субъектлари амалга ошириши мумкин. Ҳозирги пайтда бундай иқтисодий шароит республикамиз банкларида мавжуд. Таҳлилларга кўра, Россия тажрибаси ҳам лизинг операцияларини банклар фаолиятига киритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

5. Россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, республикамиз қишлоқ хўжалигида инвестиция жараёнларини янада фаоллаштириш учун сезиларли молиявий ресурслар мавжуд. Ҳар бир туман ўз филиалига эга бўлган “Агробанк”, “Микрокредитбанк” ва «Ўзсаноатқурилишбанк»ларида лизинг операцияларини ривожлантириши мақсадга мувофиқдир. Улар лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўзларининг таркибида алоҳида махсус бўлим очишлари кифоя.

6. Россияда лизинг фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ташқи муҳит таъсирига ташкилий ўзгаришлар билан жавоб бериш лозим бўлади. Ўзгаришларнинг чуқурлигига қараб қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

1) компаниянинг таркибий қайта ташкил этиш, йўналишини ўзгартириш ёки қадриятларни қайта баҳолаш ва диверсификациялаш.

2) бозорни ва лизинг компаниясининг бозор имкониятларини ўрганиш.

7. Республикамизнинг чекка ҳудудларида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ эканлигини ва унда фаолият кўрсатаётган хўжаликлар оғир молиявий аҳволдалигини ҳисобга олиб, лизингга олинган объектлар қиймати тўлиқ тўлангунга қадар фойда солиғидан бутунлай озод қилиниши лозим ва асосий воситаларнинг актив қисмига нисбатан жадаллашган амортизация қўллаш мақсадга мувофиқдир.

8. Ўзбекистонда лизингдан фойдаланиш тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг энг мақсадга мувофиқ усулларида бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва сармоя

сифатида фойдаланишни ривожлантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, чунки мавжуд иқтисодий вазият ҳам шуни тақозо этади, жумладан:

- республикада кичик бизнеснинг ривожланиши;
- давлатнинг иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида кўрсатаётган ёрдами;
- хорижий инвесторларнинг республикадаги турли йўналишларни ривожлантиришга маблағ ажратишга қизиқаётганлиги;
- асбоб-ускуналар паркиннинг қоникарсиз ҳолатда эканлиги ва ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлашнинг объектив зарурати.

Бу тадбирларни амалга ошириш лизинг муносабатларини ривожлантириб, миллий иқтисодиётимизда инвестиция жараёнини янада фаоллаштиради.

Демак, юқорида таҳлил қилинган Россия иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштиришда лизинг фаолияти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда лизинг бозори таркибини такомиллаштириб бориш учун қишлоқ хўжалик техникалари етказиб бериш билан бирга ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳалари учун ҳам лизинг хизмати кўрсатишни шакллантириш, лизингнинг иккиламчи бозорини ташкил қилиш ва бу борада амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар лизинги бозорини ривожлантириш лозим деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. 1999 йил 14 апрел.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 19 ноябр.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 1990 йил 31 октябр.

1.4. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги ПФ – 3122 – сонли Фармони.

1.5. «Ўзбекистон Республикасини БМТ Халқаро институтининг Халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни (unidroit) унификациялаш бўйича Конвенциясига қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги 84 – II- сонли қарори.

1.6. «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199 – сонли қарори.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 2003. - Б. 477.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари

2.1. И.А.Каримов. “Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”// Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 22 январь.

2.2. И.Каримов. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий меъзонидир./ Т.: “Ўзбекистон”. 2011. 164-бет.

2.3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т.:“Ўзбекистон”. 2010.43-б.

2.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

2.5. И.А.Каримов. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”// Т.: “Солиқ ва божхона хабарлари” молиявий-иқтисодий газетаси, №7 (707) – сон, 2008 йил 15 февраль.

2.6. И.Каримов “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик яқиниланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир”. – Т.”Ўзбекистон”, 2007. 24-б.

III. Китоблар, монографиялар, мақолалар ва статистик манбалар

3.1. Егоров А. В. Лизинг: аренда или финансирование? // Вестник ВАС РФ. 2012. № 3.

3.2. Громов С. А. Определение финансового результата лизинговой операции при досрочном расторжении договора лизинга // Вестник ВАС РФ. 2011. № 3.

3.3. Вахабов- А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. //Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк - молия тизимининг ўрни.мавзусидаги Халқаро илмий - амалий конференция материаллари. - Тошкент, Молия, 2009. - Б. 22.

3.4. Кашкин В.В. О рынке лизинга в условиях кризиса // Деньги и кредит. - Москва, 2009. - №8.

3.5. Исмаилова С.С. Ўзбекистон агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм.дар.олиш

учун диссертация. - Тошкент: БМА, 2009. - Б. 102 - 103.

3.6. Мурычев А.В. О развитии банковского кредитования лизинговых операций. // Деньги и кредит. - Москва, 2008. - №6.

3.7. Шибаков В.Г. Оценка и формирование профиля рисков деятельности лизинговой компании. // Управление риском. -Москва, 2008. - №2. - С. 17-27.

3.8. Пискун П.Н. Международный лизинг в России - проблемы и перспективы. // Банковское дело. - Москва, 2008. - №6. - С.51-54.

3.9. Газман В. Д. Лизинг и факторинг: Учебное пособие. М.: ГУ ВШЭ, 2008.

3.10. Хайдаров Ш.У. Лизинг: Признание, оценка и учет /Хайдаров Ш.У., Ортиков Х.А., Туксанов Х.А. – Ташкент: ООО “NORMA”, 2006.–с. 240.

3.11. Газман В.Д. Финансовый лизинг. - М.:ГУ ВШЭ, 2005. - С. 254 - 255.

3.12. Ғозибеков Д.Ғ, Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М, Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Тошкент.: «Fan va texnologiya», 2004. - Б. 43.

3.13. Зайлиддинов С., Дадабоев Д. Молиявий лизинг. Ўқ. Қўлланма – Т., 2003. -144 бет.

3.14. Иванов А. А. Договор финансовой аренды (лизинга): Учебно-практ. пособие. М.: Проспект, 2001.

3.15. Горемыкин В.А. Основы технологии лизинговых операций. – М.: «Инфра - М», 2000.

3.16. Фальцман В.К. Оценка инвестиционных проектов и предприятий. – М.: ТЕИС, 1999 г. С. 56.

3.17. Методические рекомендации по расчету лизинговых платежей. Утверждены Министерством экономики Российской Федерации 16 апреля 1996 г.

3.18. Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой

деятельности в Российской Федерации. – М: «Ось-89», 1996.

IV. Хориж адабиётлари

4.1. Cuming R. C. C. Model Rules for Lease Financing: A Possible Complement to the UNIDROIT Convention on International Financial Leasing // Uniform Law Review.1998.Vol. 3.

4.2. Бернар И., Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт. - Т.I: Пер. с фр. - М.: Международные отношения, 1994. С. 507

4.3. Eckstein W. Zur Unidroit-Konvention ueber das internationale Finanzierung-leasing - FLF, 1992, Heft 2. - P. 56.

V. Интернет тармоқлари

5.1. www.norma.uz

5.2. <http://www2.ifc.org/centralasia/leasing/>

5.3. www.unlese.ru

5.4. www.lease.com.ua

5.5. www.lease.com.kz

5.6. www.leasing.org.ua

5.7. www.leasing.spb.ru